



MILLIY TIKLANISH

51-52 (372) ● 2015 йил 30 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП ҳалоллик, мардлик, матонат ва жасорат рамзи бўлган белбоғли курашни ривожлантириш тарафдори

Жорий йилда Қонунчилик палатасининг кўмиталари 300 дан зиёд қонунни инвентаризациядан ўтказди

Халқ депутатлари Улуғнор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи фуқаролар мурожаатлари асосида 30 масалани ижобий ҳал этди

ЎзМТДП — устувор вазифалар

Партия дастури — амалда

Ушбу сонда:

Соғлом она ва бола йилидаги мақсад-режалар

барча даражадаги партия ташкилотларида кенг муҳокама этилмоқда

Авал хабар берганимиздек, ЎзМТДП ҳудудий ташкилотларида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат" мавзусидаги маърузаси мазмун-моҳиятини ўрганиш, уни кенг аҳоли қатлами орасида тарғиб қилиш ҳамда келгуси вазифаларни белгилаб олишга қаратилган семинарлар бўлиб ўтмоқда.

Тадбирларда мамлакатимизда истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқ ва марралар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳада олиб борилаётган ислохотлар, ўзгариш ва янгиланишлар кенг муҳокама этилмоқда.

Самарқанд. ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгашида Президентимиз маърузасида белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни ўрганишга бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

— Президентимизнинг дастуриламал маърузасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли халқимиз онгу тафаккурида рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофимиздаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси ва сиёсий фаоллиги ошиб бораётганлиги ҳамда биз эришаётган марраларнинг энг муҳим омиллари аниқ рақам ва далиллар асосида таҳлил этилди, — деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Субҳон Аббосов.

> 3-бет.



Самандар АЛИМОВ,

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти, Ўзбекистон халқ артисти:

— Мамлакатимизда театр санъатиغا кўрсатилган эътибор натижасида ўзбек опера, ижрочилик санъати дунёда тобора кўпроқ эътироф этилиб, юксак баҳоланмоқда. Бу, янада завқ ва илҳом билан ижод қилишга, халқимизга етуқ асарларни тақдим этишга ундайди.

Мен "Миллий тикланиш"ни танладим. Сиз-чи?



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



«Milliy tiklanish» газетасини
www.milliytiklanish.uz
 сайтида ҳам ўқинг!



Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган суратлар

Дастуриламал маъруза мазмун-моҳияти чуқур ўрганилмоқда

ЎзМТДП ва Марказий банк ҳамкорлигидаги амалий учрашув шу мақсадга қаратилди

Мамлакатимиз иқтисодийнинг изчил тараққиётида тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароит таъминлаб берилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Соҳада эришилаётган ютуқлар давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва тараққиётнинг "ўзбек модели" сифатида дунёда тан олинган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарасидир. Шунга мувофиқ мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга йўнаштирилган қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёз ва преференциялар берилиб, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини мустақамлашга эътибор кучайтирилди. Молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, риэлторлик, интерактив ва бошқа замонавий хизматлар кўрсатиш тизими кенг жорий қилинди. Айти пайтда Ўзбекистонда барча ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 90 фоизи хусусий бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келаётгани ҳам соҳага қаратилаётган юксак эътибор самарасидир.

> 2-бет.

Партия ва электорат

Аҳоли мурожаати

диққат-эътиборимизда

Ҳар бир қишлоқ ҳудудида ижтимоий инфратузилманинг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий вазифалари сирасига киради. Айниқса, сифатли йўллар турмуш эҳтиёжи бўлгани сабабли партия ташкилотлари ҳамда депутатлар жойларда, хусусан, қишлоқларда йўлларнинг талаб даражасида бўлиши масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

"Миллий тикланиш" газетасининг шу йил 2 декабрь сониди харазмлик меҳнат фахрийси Хусайн Раҳмонов бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, мазкур йўналишдаги ишларимизни келгуси йилда янада жонлантиришимиз лозимлигини кўрсатиб ўтгани фаолиятимизга жиддийроқ қарашга ундади.

Таъкидлаш жоиз, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари ҳамда куйи бўғин фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган амалий семинарларда жойларда электорат манфаатларини ўрганиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш бўйича тажрибалар ўрганилар экан, аҳоли партия ташкилотлари ва депутатларга, асосан, қишлоқларда ички йўлларни таъмирлаш юзасидан мурожаат этаётгани аён бўлади.

> 3-бет.

Партия гуруҳларида

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини тубдан кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари Конституциямизнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, "барча тузилмалар, аввало, мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қонунларни ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш бўйича жавобгарлигини кучайтириш зарур".

Улуғнорлик депутатлар


аҳоли ва электорат манфаатларини таъминлаш, улар ишончини қозониш, партия дастурий вазифаларини амалга оширишга интиломда

Бу эса жойларда қонунлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш, мазкур ишда фуқаролик жамияти институтлари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини янада ривожлантиришни тақозо этади. Давлатимиз раҳбари белгилаб берган мақсад-вазифалар халқ депутатлари Андижон вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, улардаги партия гуруҳлари фаолиятини ҳам юқори босқичга кўтаришда мустақам асос, муҳим дастуриламалга айланмоқда.

Шу ўринда партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ўз навбатида, электорат манфаатларини ҳимоялаш, амалдаги қонун, қарор ва Давлат дастурлари ижросини таъминлаш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида тегишли қарорлар қабул қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

> 4-бет.

Тарихий масканлар: кеча ва бугун
 Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг тарихи, бой маданий мероси, миллий қадриятлари, меъморчилик обидаларига алоҳида эътибор қаратилаётир



> 5-бет.

Янги йилнинг янграқ садоси
 уни муносиб кутиб олиш учун барча халқ кизгин таратдуд кўради ва ўзига хос қарши олади



> 7-бет.

Миллий кўғирчоқлар — муҳим тарбия воситаси
 хунарманд уста Мансурбек Курёзов билан суҳбат



> 15-бет.

Дастуриламал маъруза мазмун-моҳияти чуқур ўрганилмоқда

ЎЗМТДП ва Марказий банк ҳамкорлигидаги амалий учрашув шу мақсадга қаратилди

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорлигида давлатимиз раҳбарининг мазкур дастуриламал маърузаси мазмун-моҳиятини банк ходимлари, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида чуқур ўрганиш мақсадида ташкил этилган амалий учрашувда шу ҳақда сўз борди. Унда ЎЗМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Марказий банк ва тижорат банклари вакиллари, тадбиркорлар, ёшлар ва журналистлар иштирок этди.

Тадбирда ЎЗМТДП Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов давлатимиз раҳбарининг дастуриламал маърузаси мазмун-моҳияти юзасидан маъруза қилди.

— Президентимиз маърузасида белгилаб берилган вазифалар ҳар бир юртдошимиз ҳаёти манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш, фуқаролар ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодий янада ривожлантириш, ҳар бир оиланинг турмуш фаровонлигини ошириш, навқирон авлодни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, бу борада ҳуқуқий тизим самарадорлигини ошириш ва жамиятда қонулар устуворлигини таъминлаш каби эзгу мақсадларга қаратилган, — деди партия раҳбари. — Дастуриламал маърузада мамлакатимиз иқтисодий ўсиш суръатлари таҳлил қилиниб, бу борада эришилган натижалар, амалга оширилиши лозим вазифалар аниқ белгилаб берилди. Дарҳақиқат, жаҳон бозорида беқарорлик ҳамон сақланиб турган бугунги шароитда Ўзбекистонда миллий иқтисодиётимизнинг барча соҳалари изчил ривожланиётгани, кенг қўламли таркибий ўзгаришлар давом этаётгани, бозор механизмлари мустаҳкамланиб, экспорт салоҳияти юксалаётгани ва хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳажми ортиб бораётгани барчамизга мамнуният бағишлайди. Маърузада таъкидланганидек, халқаро миқёсда санокли давлатлар қаторида сўнгги 11 йил давомида ялли ички маҳсулот ўсиши 8 фоиздан кам бўлмагандан келаётгани жаҳон тажрибасида камдан-кам учрайдиган ҳодиса, дейиш мумкин.

Айниқса, жорий йил юртимизда энг замонавий технологияларга асосланган, иқтисодиётимизнинг лоқомоти бўлган йирик корхоналар фойдаланишга топширилгани мамлакатимиз тараққиётида муҳим омил бўлди. Сурғил қони негизда кўчма 4 миллиард доллардан зиёд бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси ишга туширилаётгани, Самарқанд автомобил заводида Германия билан биргаликда дунёда ном қозонган «MAN» русумли оғир юк ташийдиган машиналар ва автобусларни, Япония шериклигида «Isuzu» автобусларини, шунингдек, Хоразмда «Orlando» ва «Damas» автомашиналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Янги корхоналарни ишга тушириш ва фаолият кўрсатаётган объектларни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳисобидан юртимизда фақат охириги 5 йилнинг ўзида 5 миллионга яқин янги иш ўрни яратилганини таъкидлаш зарур. Иқтисодиёт соҳасида эришилаётган бундай ютуқ ва марралар ҳар бир юртдошимиз ҳаётида яққол намоён бўлаётди. Маърузада келтирилган бу далил ва рақамларни ўқиб, мушоҳада қилган ҳар бир инсон ўз ҳаёти, оиласи, келажаги ҳақида яна бир қарра ўйлаб кўргани, бу борада эътибор бериш лозим бўлган жиҳатларини англагани шубҳасиз.

Учрашувда таъкидланганидек, бугун мамлакатимиз иқтисодиётида сифат жиҳатдан таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётди. Хусусий мулк ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, улар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича аниқ механизм ишламоқда. Банк тизимининг замонавий талаблар асосида фаолият юритаётгани, хусусан, охириги 10 йилда мамлакатимиз тижорат банклари тадбиркорликни ривожлантиришга 28 триллион сўм йўналтиргани ҳам бу борадаги ютуқларга замин яратди. Банк тизимида амалга оширилаётган

ислохотлар доирасида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кредитлаш ва уларга инвестициялар киритиш, иқтисодий нозор корхоналарни банклар балансига олиб, улар фаолиятини тиклаш билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари Аҳадбек Хайдаров таъкидлаганидек, Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ўтган давр мобайнида мамлакатимизнинг дунёдаги энг ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси, сифатини ошириш, юртимизда обрў-эътиборини юксалтириш борасида қўлга киритилган ютуқлар

фойдаланишга мўлжалланган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратиш борасидаги ишлар кўламини кенгайтириш ҳам диққатимиз марказида бўлиши кераклиги алоҳида таъкидланди, — деди тадбирда сўзга чиққан Марказий банк департаменти директори Азамат Қосимов. — Келгуси йилда бу борадаги ишлар кўламини янада ошириш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларга кредит ажратишни кенгайтириш асосий вазифамиз бўлади. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси билан мустақам ҳамкорлигимиз бу борада муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Таъкидлаш жоизки, ЎЗМТДП ҳамда Марказий банк ҳамкорлигида бир неча йилдан буён ўтказиб келинаётган «Банк кредитлари — хунармандларга» лойиҳаси воситасида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият олиб боровчи қўллаб-қувватлаш тадбиркор, хунарманд ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар имтиёзли кредитга эга бўлди. Бугунги кунга қадар лойиҳа доирасида 11 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли банк кредитлари ажратилиб, 500 дан зиёд хунарманд ва тадбиркорга оилавий бизнесини йўлга қўйишга кўмаклашилди.

Анжуманда мамлакатимизда тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида пухта ўйланган ва кенг қамровли ишлар олиб борилаётганини иштирокчилар алоҳида эътироф этди. Амалий учрашув давомида ЎЗМТДП фракцияси аъзолари, партия фаоллари, банк ходимлари, тадбиркор ва ёшлар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. ЎЗМТДП электрон бўлган оилавий тадбиркор, хунарманд ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Элдор ТУЛЯКОВ, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимизнинг келгуси тараққиёт йўли, хусусан, иқтисодиётини янада ривожлантиришга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилди. «Янги 2016 йил ва келгуси йиллар амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарасини кучайтиришда юксак босқич бўлади, деб айтишга тўла асосимиз бор», деб таъкидлади Юртбошимиз. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш, келгуси фаолиятини янада ривожлантириш, бу борада дастуриламал маърузада белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳар бир соҳа вакилининг касбий ва фуқаролик бурчи бўлиши лозим. Бугунги амалий учрашувда партиямиз фаоллари, соҳа вакиллари ва тадбиркорлар Президентимиз маърузасининг мазмун-моҳиятини пухта ўрганиб, унда белгиланган вазифаларни мушоҳада қилгани кейинги ҳамкорликдаги фаолиятимизни яна ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Беҳзод ДАВЛАТОВ, тадбир иштирокчиси:

— Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида республика Марказий банки бошқаруви олиб бораётган амалий ишлар, тизимини бошқариш борасида ишлаб чиқилган зарурий чора-тадбирлар натижасида банкларнинг ресурс маблағларини кўпайтириш имкони пайдо бўлмоқда. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар банк кредитларидан унумли фойдаланиб, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётди. Банк тизимида ешлар учун кредит ажратиш борасида амалга оширилаётган ишлар эса халқаро экспортларнинг ҳақли эътирофига завор бўлмоқда.

Дунёнинг нуфузли рейтинг агентликларини 2015 йилда ҳам Ўзбекистон банк тизими фаолиятини барқарор дея қайта тасдиқлади. Шунингдек, АҚШнинг «Глобал Файнанс» журнали хулосасига кўра, юртимиз Марказий банки хорижий давлатлар Марказий банклари орасида янада юқори рейтинг погонасига кўтарилди. Халқаро молия корпорациясининг янги ҳисоботида дунёнинг 189 давлати орасида мамлакатимиз кредитлаш тизими бўйича 42 ўринни эгаллади. Бу биргина 2015 йилда эришилган ютуқ ва натижалар. Президентимиз маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши эса соҳанинг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Шоҳида ДАМАНОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

Ҳамкорлик

Халқимизнинг кўҳна қадриятлари замирида баркамол авлодни вояга етказишнинг ўзига хос, ноёб усуллари шаклланган ва йиллар давомида сайқал топиб келмоқда. Халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари ажодларимиздан мерос ана шундай ўлмас қадриятлардан биридир.

ний тарбия ва спортни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизми яратиш, соҳада мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, замонавий ва самарали спорт инфратузилмасини шакллантириш, юқори тонали спортчилар захирасини тайёрлаш, спорт турлари бўйича терма жамоаларни шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар

рункали касалликка чалинувчи болалар эса 4,3 фоизга камайди.

— Ҳозирги кунда эллик мингга яқин ўғил-қиз мазкур спорт тури билан мунтазам шуғулланимоқда. Спортчиларимиз Осиё, жаҳон чемпионатлари ва халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этмоқда, — деди Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси раиси Равшан Дастиров.

Белбоғли кураш —

миллий қадриятимиз, матонат, жасорат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик тимсоли

Бугун мамлакатимиз таълим тизимида, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда миллий спорт турларидан кенг фойдаланилмоқда. Миллий ўйинлар замонавий спорт турлари мақомини олиб, жаҳон майдонларига чиқаётди.

Истиклол йилларида миллий спорт турларини ривожлантириш, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратишга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида белбоғли кураш ҳам оммалашиб бораётди. Белбоғли курашга бўлган қизиқиш ҳам тубдан ўзгарди, унинг қондалари такомиллаштирилди. Ушбу спорт тури бўйича республика ва халқаро миқёсда мусобақалар ташкил этилмоқда. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида белбоғли кураш бўйича юзлаб спорт тўғрисида рақамли фаолият юритмоқда. Улар минглаб истеъдодли йигит-қизларни кашф этаётди, халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ёшларимиз сафи кенгаймоқда.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбатидан ана шунлар хусусида сўз борди.

— Миллий қадриятларимиз, матонат, жасорат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик асосларини ўзида мужассам этган миллий

ни яратишда муҳим ўрин тутади.

Тадбирда янги таҳрирда қабул қилинган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»-ги қонуннинг мазмун-моҳияти кенг муҳокама этилди.

— Мазкур қонун миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш учун қўлай шароитлар яратишда, — деди тадбирда сўз олган ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Шухрат Тўхтабоев. — Қонуннинг 20-моддасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига масуул ташкилотлар зиммасига миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, уларни аҳоли ўртасида тартиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларининг халқаро майдондаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, уларни оммавий спорт ва жисмоний тарбия тадбирлари режасига киритиш тартиби белгиланган. Қонунда белгиланган меъёрлар миллий спорт турларига кирувчи белбоғли кураш ва халқ ўйинларини ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги маданий меросининг ажралмас қисми сифатида эътироф этиш борарида аҳолида ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат, халқаро майдонда мамлакатимиз обрў-эътиборини юксалтиришга интилиш туйғуларини тарбиялайди. Мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказиш, уларнинг халқаро спорт мусобақаларида иштирокини кенгайтириш ва шу орқали юртимиз

— Белбоғли кураш болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ва таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ундаги усуллар спортчи умурти қасининг тўғри ўсишини таъминлаб, қўл ва оёқ мушакларини ривожлантиради. 5 минг йиллик тарихга эга спортнинг мазкур тури халқимизга хос камтарлик, рақибни ҳурмат қилиш, бир сўз билан айтганда, инсонпарварлик гоғларини ўзида мужассам этгани, адолатли тартиб қондалари, чиройли усуллари билан жаҳон халқларининг хурматига завор бўлаётди. Белбоғли кураш шу жиҳати билан нафақат йигит-қизларимизнинг жисмоний, балки маънавий юксалиши, миллий ўзгиллигини англаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, олижаноблик ҳислатларини шакллантиради. Навқирон авлод вакиллари ана шу руҳда тарбиялаш ЎЗМТДПнинг ҳам устувор вакили бўлиши керак. Бу эса, ўз навбатида, федерациямиз билан ЎЗМТДП ҳамкорлигини янада ривожлантириши тақозо этади.

Тадбирда партия ва Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Спортнинг мазкур тури бўйича юксак натижаларга эришаётган бир гуруҳ ёшлар партия сафига қабул қилинди.

Обидали МАВЛОНОВ, белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпиони, ЎЗМТДП аъзоси:

— Халқаро майдонда юрт шарафини қилаётган спортчининг кураш давомидаги

ҳаяжонини ҳеч нима билан қиёслаб бўлмайди. Айниқса, мусобақада гоғлиб чиқиб, сенинг шарафинга Ватанинг мадҳисини янграса, ана шу ҳаяжон икки ҳисса ошади. Мен бундан ўз босидан ўтказган бахтли спортчиларданман. Белбоғли кураш бўйича жорий йилда ўтказилган жаҳон чемпионатида гоғлиб чиқдим. Бу муваффақият мени ўз устимда тинимсиз ишлаш, белбоғли курашнинг сир-асорини чуқурроқ ўрганиш ва миз рўйида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда маънан етуқ ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган. Давлатимиз раҳбари раҳнамоллигида 2002 йилда Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтирди. Пировардида 2003-2014 йилларда мамлакатимизда 1700 дан зиёд болалар спорт объекти барпо этилди. Спорт билан шуғулланиш ва соғлом ҳаёт тарзини тарғиб этишга қаратилган бу сазой-ҳаракатлар фарзандларимизнинг соғлом бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этаётди. Бунини 2014 йилда 2003 йилга нисбатан мутлоқ соғлом болалар 12,3 фоизга ўсгани ҳам тасдиқлайди. Ана шу 11 йил оралигида юқумли касалликка чалинган болалар 8, су-

Ҳасан САЛОМОВ, «Milliy tiklanish» мухбири



ЎзМТДП — устувор вазифалар

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Конституция ва унинг асосида яратилган миллий қонунчилигимиз жамиятимизни ислоҳ этиш, демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишга, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига замин яратяпти. Бу эса мамлакатимизни янада демократлаштириш, бозор ислохотлари ва иқтисодийни либераллаштириш, суд ҳокимияти, сўз ва ахборот эркинлиги мустақиллигини мустаҳкамлаш, энг асосийси, фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқ ва эркинларини таъминлаш, унинг кадр-қиммати, шаъни, ор-номусини асраб-авайлаш масаласига энг устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз, тўкин дастурхонимиз, энг аввало, ана шу ғамхўрликнинг самарасидир. Бу кунларнинг қадрига етиб яшаш ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи.

— Президентимиз қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказишни аниқ тартибга соладиган, энг муҳими, аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг баҳардор этиб боришга қаратилган махсус қонун ҳужжати қабул қилиш ва амалга ошириш борасидаги масалага алоҳида тўхталиди, — деди тадбирда иштирок этган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Марҳаб Фафурова. — Бу борада белгиланган вазифаларни амалга ошириш мамлакатимизда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш тизимини яратишга, халқимизнинг фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига ишончини янада оширишга хизмат қилади. Бу эса фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир. Шунинг учун ҳам ЎзМТДПнинг маърузасининг мазмун-моҳиятини кенг ўрганиш жамиятимизни янада демократлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Навоий. Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёш авлод тарбияси, уларни ҳар жиҳатдан соғлом, дунёқарашли кенг инсонлар этиб тарбиялаш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Бу эса, ўз навбатида, юртимиз ёшларига истеъдодларини тўла намойён этишга замин яратмоқда. Бугун навқирон авлод эришяётган ютуқ ва марралар, энг аввало, ана шу эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. — Юртимиз маърузасида таъкидланганидек, мус-

тақилликка эришганимиздан сўнг ҳар томонлама етуқ ва соғлом авлодни тарбиялаш, энг аввало, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, — деди тадбирда сўз олган ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Азимжон Ёрқулов. — Биргина тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасида энг чекка ҳудудлардаги шифо масканлари ва оилавий поликлиникалар ҳам замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланди. Энг замонавий кўринишда қуриб битказилаётган кўплаб спорт мажмуалари ҳам ёшларнинг соғлом ва жисмонан бақувват бўлиб вояга етишида муҳим омили бўлаётди. Юртимизда келгуси йилнинг Соғлом она ва бола йили деб номланиши бу каби хайрли ишларнинг изчил ва мантқиқий давомидир. Бу йилда оналар ва болалар саломатлигини асраш, жамиятда тиббий маданиятни юксалтириш борасидаги вазифаларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришимиз лозим.

Тадбирда таъкидланганидек, Юртимизнинг ташаббуси билан ҳар йили янги йилга ном берилишни барчамиз катта ҳаяжон билан қарши оламиз. Бойси йил қандай номланмасин, унинг замирида инсон омили, халқимиз, оиламиз, фарзандларимиз манфаатлари мужассам бўлади.

— Биргина жорий "Кексалари эъзоллаш йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилсак, бу йилда қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштириш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди, — дейди ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Анояра Бобомуродова. — Мамлакатимиз бўйлаб қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида 12 минг замонавий тураржой барпо этилди. 170 инфратузилма объекти, 260 километр йўл, 285 километр электр, 370 километр газ ҳамда 470 километр ичимлик суви тармоқлари фойдаланишга топширилди. Бу юртимизда инсон омили ва унинг манфаатлари устуворлигидан далолатдир. Демак, Соғлом она ва бола йили ҳам

Соғлом она ва бола йилидаги мақсад-режалар

барча даражадаги партия ташкилотларида кенг муҳокама этилмоқда



улкан ўзгаришлар, янгилашлар ва бунёдкорлик ишлари билан ҳаммамининг ёдимизда қолади. **Хоразм.** Мустақиллик йилларида юртдошларимизнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий онг-тафаккури ўсгани, уларда Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссининг юксалгани кенг қўламли ислохотларни ҳаётга изчил татбиқ қилишда бош омили бўлмоқда. Айниқса, заҳидлик билмиларни пухта эгаллаб, юртимиз келажигини ўз қўлига олишга қодир авлоднинг шаклланиши барчамизга қувонч бахш этади. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ана шу жиҳатга яна бир бор эътибор қаратди. Юртимизнинг "...Мустақил ва янгилик фикрлайдиган, замон талабига жавоб берадиган авлодни шакллантиришга эришдик, Ватанимизнинг эртанги кунини, тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган фарзандларимиз бугун минбарга чиқмоқда", деган фикрлари ора-умидлар билан фарзанд ўстираётган ҳар бир ота-онанинг қалбини тўлқинлантириб юборгани шубҳасиз.

Тадбирда таъкидланганидек, баркамол авлодни тарбиялаш борасида эришяётган муваффақиятларимизга бундан 18 йил олдин Кадрлар тайёрлаш, Мактаб таълим-тарбияси бўйлаб қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида 12 минг замонавий тураржой барпо этилди. 170 инфратузилма объекти, 260 километр йўл, 285 километр электр, 370 километр газ ҳамда 470 километр ичимлик суви тармоқлари фойдаланишга топширилди. Бу юртимизда инсон омили ва унинг манфаатлари устуворлигидан далолатдир. Демак, Соғлом она ва бола йили ҳам

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда яратилган таълим-тарбия тизими дунёнинг жуда кўплаб мамлакатларида соҳа мутахассислари-

дан эркин фойдаланишнинг асосий омилларидан саналади. Бу аҳолининг қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳияти билан янада чуқурроқ танишишига имкон беради.

Президентимиз аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, адолатли жамиятни барпо этиш борасида ўз маърузасида алоҳида тўхталиб ўтди: "...Бизнинг бош мақсадимиз — фақат ҳуқуқий демократик давлат эмас, балки адолатли жамият қуриш экани аниқ-равшан белгилаб берилган. Бу мақсад ҳаётимизда мустаҳкам қарор топган оддий ҳақиқат, яъни халқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди, деган сўзларни яққол тушунишдан келиб чиққан, десам, ўйлайманки, бугун эл-юртимизнинг фикрини ифода этган бўламан."

— АҚШнинг Гэллар институти ўтказган сўровнома натижалари дунё жамиятининг мамлакатимизда адолатли жамият қуриш борасидаги саъй-ҳаракатларининг муносиб эътирофи бўлди, — дейди тадбирда сўз олган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Одилов Тоҳиёв. — Мазкур институт жорий йилда "Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки тумандаги маҳаллий полицияга ишонасизми?" "Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки туманда кенаси хавф-хатардан қўрқмасдан юра оласизми?", "Охиригиз ўн икки ойда сиз ва оила аъзоларингиз пул ва мол-мулк ўғирланган ҳолат содир бўлганини?" каби саволлардан иборат сўровнома ўтказди. Сўровномада мамлакатимиз 141 давлат орасида 2-ўринни эгаллагани ҳуқуқ-тартибот соҳасида олиб борилаётган ислохотларимизнинг яққол самарасидир.

Аҳолининг давлат идораларига бўлган бундай ишончини биз мақсад қилган адолатли жамият қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг яна бир амалий ифодаси, дейиш мумкин. Тадбирда Президентимиз маърузасида таъкидланган юртимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва йўналишлардан келиб чиққан ҳолда ЎзМТДПнинг келгусидаги мақсад ва вазифалари белгилаб олинди.

Хасан ФАРМОНОВ, Ориф ХОЛИҚУЛОВ, Уралой ТУРДИЕВА, Алишер РАҲМОН, "Milliy tiklanish" мухбирлари

Партия ва электорат

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Шу боис ҳудудларда йўллар ҳолатини яхшилаш масалалари бошланғич партия ташкилотлари умумий йиғилишлари кун тартибига олиб чиқилмоқда. Аниқланган муаммоларни бартараф этишда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига партиямиздан сайланган депутатлар жалб қилинмоқда. Депутатларнинг ўз ваколатидан унумли фойдаланиб, бу масалани ҳал этишга астойдил киришиши натижасида жойларда йўл инфратузилмаси яхшиланимоқда. Жумладан, халқ депутатлари Хонқа туман Кенгаши депутати Шоназар Ҳужаниёвнинг депутатлик сўрови натижасида Хонқа-Қирқеп, Урганч-Қорамози йўлларида пиёдалар йўлакларини ва ўтиш жойларини таъ-

Аҳоли мурожаати

диққат-эътиборимизда

мирланди, Хонқа тумани марказидаги Фафур Фулом ва Шарқ юлдузи кўчалари ободонлаштирилди. Айни пайтда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳимиз аъзоси Зулфия Исмоилованинг саъй-ҳаракати билан Хонқа туманидаги Томадургадлик қишлоғи ички йўли бўйлаб пиёдалар йўлига бунёд этилмоқда. Халқ депутатлари Янгиариқ туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Эркин Эгамовнинг фуқаролар мурожаати асосида тегишли ташкилотга киритган сўрови натижасида шу тумандаги Қармиш қишлоғи

"Шеробод" маҳалласи кўчаларини 2016 йилда таъмирлаш режалаштирилди.

— Аҳолининг шаҳару қишлоқларимиз ободлиги, айниқса, йўлларнинг раван бўлиши учун жон қуйдираётгани уларда фуқаролик масъулияти охири бораётганидан далолатдир, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Ибодулло Болтаев. — Сайловчиларнинг мурожаати сабаб "Хоразм автойўли" ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотига киритилган депутатлик сўровидан сўнг икки магистрал йўлнинг жами 32 кило-

метр қисмини таъмирлаш борасида саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Йўл ободлиги эл ободлигининг белгисидир. Кириб келаётган йилда ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши ва партиядан сайланган депутатлар бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва сайловолди ваъдаларининг устидан чиқишга интилади. Зеро, партиядошимиз мулоҳазасида таъкидланганидек, ЎзМТДП ва партиядан сайланган депутатлар ўз фаолиятида яратилган ваколат ва имкониятларидан унумли фойдалана олиши партиямизнинг сайловчилар ишончини қозонишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бекоз ЗАРИПОВ, ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Хроника

Миллий тикланиш ва юксалиш ғояси

партия тадбирларининг бош мавзусига айланди

Самарқанд

ЎзМТДП Самарқанд туман кенгаши ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорликда "Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқлари, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатлари" мавзусида тадбир ташкил этди. Унда партия "Ёшлар қаноти", маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар қатнашди.

— Бугун фуқаролар, айниқса, ёшларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш, улар онгини ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш давр талабидир, — деди партия туман кенгаши раиси Раҳимжон Наимов. — ЎзМТДП сайловолди Платформасида аҳоли, айниқса, қишлоқ жойлардаги фуқароларнинг юқори даражада ахборотга эга бўлишини таъминлаш, миллий ахборот маконини шакллантириш, ёшлар камолотида хизмат қилувчи креатив ахборот муҳитини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний, маънавий-ахлоқий ривожланишига таъсир кўрсатадиган ахборотлардан ҳимоя қилиш вазифалари белгиланган. Бугунги тадбир мана шу мақсад-вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Бухоро

ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши "Мамлакатнинг иқтисодий ривожиди тадбиркор аёлларнинг роли" мавзусида тадбир ташкил этди. Унда партия шаҳар кенгаши ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, "Аёллар қаноти" етакчилари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар иштирок этди.

— Юртимизда қадимдан ўз касб-кори ва ҳаётий тажрибасини авлоддан-авлодга қолдириш азалий қадрият сифатида эъзолланади, — деди халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Дилором Хамидова. — Хусусан, ўз ери, мулки, касб-хунарига эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш, тадбиркор ва ишбилармон инсонларни кадрлаш борасидаги аъна миллий қадрият даражасига кўтарилган. Бу аъналарни давом эттириш, ишбилармон ва тадбиркорликка кенг йўл очиш, шу билан бирга, тадбиркор аёллар сафини кенгайтириш, тадбиркорлар ўртасида кучли рақобат муҳитини яратиш, янги лойиҳалар устида иш олиб бориш самарали фаолиятнинг йўлга қўйилишига асос бўлади, янги иш ўринлари яратилади. ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларига ҳамоханг тарзда ташкил этилган бугунги тадбир мана шу эзгу мақсад рўйбеда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидланганидек, партия сайловолди Платформасида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остида ҳаҳон бозорига маҳсулот етказиб бериш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш вазифаси алоҳида белгиланган. Тадбирда бу каби дастурий мақсад-вазифаларни амалга оширишда барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатларнинг фаоллигини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Тошкент шаҳри

ЎзМТДП Яққасарой туман кенгаши "Биз ёшлар: "оммавий маданият" ва мафқуравий таҳдидларга қаршимиз!" мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда партия туман кенгаши аъзолари ва фаоллари, бошланғич партия ташкилоти етакчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.

— Бугун глобаллашув жараёнида ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом турмуш тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантириш зарур, — деди партия туман кенгаши раиси Муҳаммадмурод Тоштемиров. — Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда аризмас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга қўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Тадбирда бу борада жойларда учраётган айрим камчиликлар муҳокама қилиниб, халқимиз маънавиятини юксалтириш, айниқса, ёш авлод онгини турли зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, "оммавий маданият" кўринишидаги ғоявий хуружлар ва уларга қарши кураш борасида амалий тақлифлар билдирилди.

Андижон

ЎзМТДП Улуғнор туман кенгаши "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" лойиҳаси асосида "Миллий тикланиш соврини учун" мавзусида спорт мусобақаси ташкил этди.

Спорт болалар учун семимли машғулот, вақтни мазмунли ташкил этиш воситасига эмас, балки жисмоний, ақлий ва ахлоқий тарбиянинг ажралмас қисmidир. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда нафақат яқна, балки жамоавий баҳслардан иборат спорт турларида қизиқиш ҳам ортиб бормоқда. Булар спортчининг саломатлигини яхшилаш билан бир қаторда, унда бир жамоа бўлиб, ягона мақсад сари ҳаракат қилиш кўникмасини ҳам шакллантиради. Донишманд халқимиз халқ ўйинлари орқали ҳамжиҳатлик ва бирдамликни тарғиб этиб келган. Қадриятларимизга ҳамоханг миллий спорт турлари эса ёшларда миллий урф-одат ва аъналаримизга ҳурмат туйғусини уйғотади.

Тадбирда партиямиз бу каби тадбирлари сонини кўпайтириш, истеъдод эгаларини кашф этиш ва қўллаб-қувватлаш каби масалалар муҳокама қилинди. Фолиб ва совриндорлар муносиб рағбатлантирилди.

Наманган

ЎзМТДП Поп туман кенгаши "Музейларимиз — тарих кўзгуси" мавзусида тадбир ташкил этди. Унда туман кенгаши фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Ёшлар қаноти", бошланғич партия ташкилоти етакчилари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари қатнашди.

Музейлар ёшларимизда миллий ғурур ва шаън туйғусини ўстиришда, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда муҳим омили ҳисобланади. Бой ўтмишимиз, буюк аждодларимизнинг фан, маданият, адабиёт ва санъатга қўшган улкан ҳиссаси ёшлар қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди. Юртимиз тарихи ва буюк аждодларимиз меросини ёш авлодга етказишда эса музейларнинг ўрни ва роли беқеъис. Музейларимиздаги ҳар бир буюм шонли ўтмишимиздан сўзлайди, уларда қадриятларимиз, аъналаримиз ва урф-одатларимиз мужассам. Бу каби маънавий қадриятларимизни асраб-авайлаш асосида ёшларимизни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда "оммавий маданият" кўринишидаги турли хил мафқуравий хуружларга қарши иммунитетни шакллантириш ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари рўйбеда муҳим аҳамият касб этади.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Депутат минбари

Фарзандлар камоли — юрт истиқболи

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, келажакимиз бўлган навқирон авлодни жисмонан ва маънан соғлом вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Унинг замирида таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини тубдан ислоҳ этиш, мустақкам оила куриши, соғлом зурриётни дунёга келтириши, ёшларимизнинг ҳар томонлама соғлом камол топиши, замонавий билимларни эгаллаши, ўз иқтидор ва қобилиятини рўйбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратиши борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар мужассам.

кўтарилади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, тиббиёт муассасалари, жумладан, жойларда фаолият кўрсатаётган перинатал марказларнинг моддий-техник базасини, уларнинг кадрлар салоҳиятини янада кучайтириш, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарасини ошириш, перинатал ҳамширалар сонини кўпайтириш, акушер-гинекологлар, болалар шифокорларининг малакасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Маълумки, ёш авлодни соғлом ва бақувват қилиб вояга етказишда жисмоний тарбия ва спорт муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда ушбу йўналишда узокни кўзлаб амалга оши-

амалга ошириш учун, аввало, ҳуқуқий асосларни мустақкамлаш, мавжуд ҳуқуқий ҳужжатларини янада такомиллаштириш талаб этилади. Қайд этиш лозимки, юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, бола ҳуқуқлари ва ёшлар соҳасидаги қонунчиликни, ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш масаласи парламентимизнинг доимий диққат-эътиборида. Масалан, ўтган давр мобайнида республикамизнинг қонун чиқарувчи органи "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларни қабул қилган. Шунингдек, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги, "Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шойлиқ чоралар тўғрисида"ги конвенциялар ва бошқа қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинган. Биргина жорий йилда қабул қилинган "Йод етишмаслиги касалликларни профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" (янги таҳрирда), "Аҳолининг санитария-эпидемиология соҳасидаги тўғрисида"ги қонунлар бевосита баркамол ва соғлом авлодни тарбиялашга, жумладан, хотин-қизлар саломатлигини мустақкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Янги йилга Соғлом она ва бола йили деб ном берилиши, ўз навбатида, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги ҳамда соҳага оид қонунлар ва Давлат дастурларининг ижроси устидан парламент назоратини олиб бориш борасидаги фаолиятини янада кучайтиришни тақозо этади. Бу эса парламент куйи палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлик гуруҳлари зиммасига катта масъулият юклайди. Хусусан, ЎзМТДП фракцияси аъзолари келгуси Соғлом она ва бола йилида партия дастурий мақсад-вазифалари ҳамда электрот манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бу борадаги қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишларида, тарғибот тадбирларида фаол иштирок этишга интилади. Зеро, партия сайловолди Платформасида оилаларни мустақкамлаш, ёш оилаларга гамхўрлик қилишга кўмаклашиш, ҳар томонлама соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратишда ҳамкорлик қилиш сингари мақсад-вазифалар белгиланган.

Баркамол авлодни вояга етказиш — барчамиз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа. Бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш халқимизнинг асрий орзу-интилишлари, миллий қадриятларимиз, ўзимизга хос ҳаёт ва тафаккур тарзи-мига ўйун, ҳамоҳангдир. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустақкам бўлади.



рилган изчил ислохотларнинг юксак самаралари бугун мустақиллик фарзандлари — ёшларимиз мисолида яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор ва гамхўрлик бу жараёнда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Жисмоний тарбия ва спорт ёшларимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Бугунги кунда спортчи йигит-қизларимиз улкан ютуқларни кўлга киритиб, юртимиз доирасидаги дунёга ёймоқда. Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга етишда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Шу боис Юртбошимиз тантанали маросимда "Соғлом авлодни вояга етказиш борасида болаларимиз ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада кенг омаллаштириш, шу мақсадда янги спорт объектларини куриши, уларнинг моддий-техник базасини мустақкамлаш каби вазифаларни кун тартибига қўйиш зарурлиги ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ" дея таъкидлади.

Болани соғлом қилиб тарбиялашда юксак тиббий маданиятга эга бўлиш долзарб аҳамият касб этади. Шундай экан, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, ҳомиладор аёлларни, ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парвариш қилиш, уларнинг овқатланиш тартиби, унинг сифати ва калорияси каби масалаларга жиддий эътибор бериш талаб этилади. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар, аввало, ушбу муҳим масалаларни ҳал қилишга қаратилади.

Президентимиз "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини ишлаб чиқишда эътибор қаратилиши лозим бўлган бошқа қатор долзарб вазифалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Энг асосийси, бундай устувор вазифаларни



Жахонгир ШИРИНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Қонунчилик палатасида

Қонун ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш

уларнинг самарали ишлашига хизмат қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ҳамда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси ҳамкорлигида "Қонунларнинг сифатини ошириш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш" мавзусида конференция ўтказилди.

Конференцияни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида демократик талаблар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос, муҳими, инсон манфаатларига хизмат қилаётган миллий қонунчилик асослари яратилгани алоҳида таъкидланди. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида "Олий Мажлис, ҳукумат ва қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектларнинг энг муҳим вазифаси шундан иборат бўлиши керакки, улар қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиши зарур. Токи бу қонун ва механизмлар ҳаётдаги аниқ муносабатларни кенг миқёсда амалда тартибга солиб борсин, бу муносабатларда иштирок этадиган ҳар бир субъект ўз ўрнини билсин ва ўз фаолиятида қонун талабларига асослансин" деб алоҳида таъкидлаган эди. Конференцияда Юртбошимиз томонидан қўйилган ана шу масала юзасидан амалга оширилган ишлар ҳамда бу борада бажарилган лозим бўлган вазифалар кенг муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда профессионал асосда таркибида депутатлар доимий равишда ишлайдиган Қонунчилик палатаси ва ҳудудий вакиллик органи аъзоларидан иборат Сенат, яъни икки палатали парламент ташкил этилди. Натижада қабул қилаётган қонунларимиз сифати сезиларли даражада ошди, минтақалар, тармоқлар ва давлатнинг умумий манфаатлари мутаносиблиги тобора самарали таъминланмоқда. Шу билан бирга, қонунларимизга мувофиқ белгиланган нормаларни амалиётда қандай қўллаш лозимлигини кўрсатиб бериш ҳуқуқий механизмлар, қонунчилик ҳужжатлари, бир сўз билан айтганда, қабул қилинган қонунларни амалга ошириш механизмларини аниқлаб берадиган ҳужжатларнинг ўз вақтида қабул қилиш талаб этилмоқда. Бу борада эса қонунларни инвентаризациядан ўтказиш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

— Президентимизнинг бир қатор маърузаларида қонунлар ва уларни ҳаётга татбиқ этиш масаласида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Қонунчилик палатасининг кўмиталари 300 дан зиёд қонунни инвентаризациядан ўтказди, — деди йиғилишда маъруза қилган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

кўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Саидов. — Инвентаризацияни ўтказишдан асосий мақсад қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқларни, "ишламаётган" ёки турлича талқин қилиниши мумкин бўлган нормаларни аниқлаш ҳамда бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган қонунларни такомиллаштиришдан иборат. Инвентаризация натижалари бўйича қонунчиликда айрим муаммолар, жумладан, баъзи ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмасдан қолганлиги ёки ҳанузгача амалга ошириш механизми билан таъминланмаган "ҳаволаки нормалар"нинг мавжудлиги, бир қатор қонун нормалари орасида ўзаро зиддият ва номувофиқликлар, шунингдек, қонунчиликдаги бошқа камчиликлар аниқланди ҳамда уларни бартафат этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кўмиталари раислари жорий йилда кўмиталарда қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан батафсил маълумот бердилар. Инвентаризация жараёнида бевосита манфаатдор вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда илмий-ўқув муассасаси профессор-олиmlарининг иштироки таъминланаётганлиги, ўрганилган қонунларнинг ҳуқуқий қўллаш амалиёти ва ҳорийий таҳриб билан ўзаро алоқадорликда таҳлил этилаётганига амалдаги қонун ҳужжатларининг бугунги кунда қай даражада ишлаётганлигини тўғри баҳолаш имконини бермоқда.

Конференцияда ҳозирги кунда ҳуқуқий ахборотни тарқатиш билан боғлиқ бир қатор масалаларга эътибор қаратилди. Масалан, қонун ҳужжатларида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бевосита ижрочиларга етказишнинг аниқ механизми, муддатлари назарда тутилмаган, ушбу йўналишдаги ишларни ташкил этишда ягона тизим мавжуд эмас.

Юқоридаги талаб ва эҳтиёжлар қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказишни аниқ тартибга солидиган махсус қонун зарурлигини тақозо этмоқда. Бундай қонун ҳуқуқий ахборот тарқатиш тизимининг самарадорлигини оширишга, давлат органлари мансабдор шахсларининг бу борадаги масъулиятини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Конституциявий, Олий ҳамда Олий ҳўжа кўмитаси раиси, Бош прокуратура, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари, шунингдек, илмий ва ўқув муассасалар профессорлари иштирок этиб, мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини янада ошириш ва қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва мулоҳазаларни билдирди.

Умида УЗОҚОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Партия гуруҳларида

< Давоми. Бошланғичи 1-бетда.

Халқ депутатлари Улуғнор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи саккиз нафар депутатдан иборат. Бу эса уларнинг электрот ишончини қозониш, сайловчилар томонидан билдирилатган тақлиф ва мурожаатларни рўйбга чиқаришда кенг имкон яраттаётди. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида партия гуруҳи аъзолари тегишли ташкилотларга 20 дан зиёд депутатлик сўрови киритди. Шунингдек, фуқаролар мурожаатлари асосида 30 та масала илҳобий ҳал этилди. Ўсга яқин мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари тингланиб, депутатларимизнинг 6 тақлифи доимий комиссия ва халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида муҳокама қилинди.

— Партия ташкилотлари билан партия гуруҳлари ўртасидаги ўзаро алоқа ва ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш, депутатларимизнинг партия гоямақсадларини амалга ошириш, электрот манфаатларини ҳимоя

Улуғнорлик депутатлар

аҳоли ва электрот манфаатларини таъминлаш, улар ишончини қозониш, партия дастурий вазифаларини амалга оширишга интилмоқда

қилиш борасидаги фаолиятини кучайтириш аҳолининг партияга нисбатан ишончи янада ошишига хизмат қилади, — дейди ЎзМТДП Улуғнор туман кенгаши раиси Жаннатхон Исмонова. — Бу борада партия ташкилотлари йиғилишлари, тадбирларида партия гуруҳи аъзоларининг тўлиқ иштирокини таъминлаш, партия сайловолди Платформасини биргаликда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айни пайтда халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи билан ҳамкорликда ҳудудимизда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кенг йўл очилган кўмаклашиш, уларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш борасида амалий ташаббусларни бошладик. Туманимизда

ҳунармандлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар кўпчиликни ташкил этади. Бу каби электротимиз вакилларини қўллаб-қувватлаш партиядошларимиз сафининг кенгайишига, қолаверса, ҳудуд тараққиёти, аҳоли турмуш фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилади.

Шунингдек, партия гуруҳи аъзолари муайян Давлат дастурлари ижросини таъминлашда ҳам муносиб иштирок этишга интилмоқда. Хусусан, жорий йилда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида депутатлар ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар ҳолидан хабар олиш, уларнинг оғирини энгил қилиш мақсадида ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда тегишли ташкилотларга сўров киритди. Ҳудуддаги бир неч-

та маҳаллаларда ободонлаштириш ишларини амалга ошириб, аҳолининг турмуш сифати янада яхшиланишига ҳисса қўшди. Ҳудуддаги "Тўрт тол" маҳалласининг Яхши ният, Замона ва Сўнмас кўчаларига асфальт ётқизиши, "Янги чек", "Гулистон" маҳаллалари аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши, 8-умумтаълим мактаби моддий-техник базасини мустақкамлаш учун ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилиши каби амалий мисоллар шунлар жумласидандир. Бундан ташқари, Арзихон Тўраева, Сарварбек Митиллаев, Ойдиной Мамадалиева, Исоқжон Алматов, Улуғбек Абдурахимов каби фаол депутатлар ўзлари сайланган ҳудуд ҳамда тумандаги бир қатор муассасаларда мунтазам

равишда аҳоли ва электрот вакиллари билан учрашиб, уларни қизиқтираётган масалаларни апрофлича ўрганиб бораётгани туманда ЎзМТДП гуруҳи иши самарадорлигини янада оширмоқда.

— Авваллари аҳоли орасида "чўл зонаси", "яшаш қийин туман" деган таърифларга эга бўлган Улуғнор мустақиллик йилларида тамомила янгича қиёфа касб этди, — дейди тумандаги "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Сулаймонқул ота Аҳмедов. — Юртбошимизнинг ҳар бир ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш борасидаги эътибори натижада тегишли дастурлар қабул қилинаётди. Шу асосда бизнинг туманимизда кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга

оширилди, янги корхона ва ташкилотлар бунёд бўлди. Бунда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси депутатлари ҳам муносиб иштирок этиб келмоқда. Яқинда халқ депутатлари туман Кенгашига партиядан сайланган депутат Равайнбек Йўлдошевнинг туман электрот тармоқлари корхонасига киритган депутатлик сўрови натижасида маҳалламиз ҳудудига 20 симёғоч ва трансформатор ўрнатилди.

Дарҳақиқат, аҳоли ўзлари ишонч билдирган депутатларнинг ана шундай амалий саъй-ҳаракатларидан мамнун. Бу эса бугунги кун депутатларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва роли тобора ортиб бораётганини амалда намоён этади. Сайловчилар депутат фаолиятига уларнинг амалий ишларига қараб баҳо берадир экан, бу, ўз навбатида, ҳар бир депутатни янада фаол бўлишга, ташаббускорлик ва жонқуярликка ундайди.

Замира РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Матбуот анжумани

Кўмита фаолияти сарҳисоб қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси матбуот анжумани ўтказди. Унда кўмитанинг 2015 йилдаги фаолияти яқини ва истиқболдаги режалари сарҳисоб қилинди.

Матбуот анжуманини Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати раҳбари Ҳожиакбар Тўлаганов кириш сўзи билан очди.

Таъкидланганидек, кўмита ҳисобот даврида парламент палаталарининг 23 январдаги қўшма йиғилишида Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини амалга оширди. Жумладан, қонун ижодкорлиги самарадорлигини ошириш, қонунларни тайёрлаш жараёнида мутахассислар, амалиётчилар, экспертлар ва кенг жамоатчилик билан муҳокама қилишга, парламент ва депутатлик сўровлари, парламент эшитувларини ўтказиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва Давлат дастурлари ижросини назорат қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари дастурига мувофиқ, экологик қонунчилик механизмининг янада такомиллаштириш, ишлаб чиқилаётган қонунларни халқаро амалиёт билан қиёслаш, улардаги қарама-қаршиликларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида бевосита атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида оид 30 га яқин қонунлар ва 150 дан ортиқ қонуноти ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилиб, таҳлил этилди.

Қонун ташаббускорлиги фаолияти тартибда 9 қонун лойиҳаси, шу жумладан, янги "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида", "Экологик сурғурга тўғрисида", "Қайта тикланувчи энергия ман-

балари тўғрисида"ги, амалдаги олти қонун ҳужжати — "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Чиқиндилар тўғрисида", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида", "Экологик экспертиза тўғрисида"ги ва бошқа қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида муайян ишлар бажарилган.

— Кўмитани ҳозир йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Бухоро, Наманган, Сурхондарё вилоятларида


Таъкидлаш керакки, бу каби назорат тадбирлари натижасида соҳага оид қонун ҳужжатлари ва Давлат дастурларининг жойлардаги ижросини таъминлашга, шу билан бирга, тегишли қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш имконига эга бўламиз.

Матбуот анжуманида, шунингдек, кўмита амалга оширган тарғибот ишлари тўғрисида ҳам маълумот берилди. Хусусан, ҳисобот даврида қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг фаоллигини юксалтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли саломатлигини ҳимоялаш борасида халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш йўналишида 3 халқаро давра суҳбати, парламентлараро алоқаларни мустақамлашга қаратилган 4 учрашув ўтказилди. Бу каби тадбирлар ОАВ ҳамда Интернет тармоғида тизимли ёритилди.

Кўмита аъзолари келгусидаги фаолияти хусусида ҳам тўхталиб ўтди. Айтилишича, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида таъкидланган қонун устуворлигини таъминлаш, қонун ҳужжатларини амалга ошириш механизмларини пухта ишлаб чиқиш каби вазифалардан келиб чиқиб, кўмитанинг галдаги мақсад-вазифалари белгилаб олинган. Бу жараёнда 2016 йил — Соғлом она ва бола йилида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ишларга алоҳида аҳамият берилди.

Тадбирда журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Мухтарама КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири



экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида оид қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан назорат-таҳлил тадбирларини амалга оширди. — дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Зумрад Бекатова. — Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси табиати муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раисининг "2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури" ижросига бағишланган парламент эшитуви ҳам кўмитанинг масъулигида ташкил этилди.

Сўранг, жавоб берамиз

Қарздор қарзини тўламагунича четга чиқолмайди

Телеканал орқали аэропортда ҳужжат расмийлаштираётган фуқаронинг қарздорлиги сабабли чет давлатга чиқишга рухсат берилмасан видеореоликини кўрганмиз. Хўш, бу қандай қарздорлик? У қандай рўй беради? Мана шундай ҳолатга тушмаслик учун нималарга эътибор қаратиш лозим?

Соҳибжон ИСОМИДИНОВ, Тошкент шаҳри

Қарздорнинг четга чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонун асосида қўланиладиган мажбурий ижро этиш чораси ҳисобланади. Бундай чора фақат суд қарори асосида чиқарилган ижро ҳужжатидаги талабларни жисмоний шахс (қарздор) узрли сабабларсиз белгиланган муддатда ижро этмаган тақдирда қўлланилади.

Агар ижро ҳужжати суд қарори билан асосланмаган бўлса, ундирувчи қарздорни Ўзбекистон Республикасидан четга чиқишини вақтинча чеклаш лозимлиги тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Қарздорнинг мамлакатимиздан четга чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш, бу борада қарор қабул қилинган кунда қарздорнинг қарзи энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан ошмаса, қарздордан суд қарорини ижро этиш учун етарли миқдордаги мол-мулк олиб қўйилган бўлса ёхуд қарздор сифатида юридик шахс ҳам иштирок этган тақдирда қўлланилмайди.

Суд ижросининг қарздорнинг четга чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори ижро этилиши шарт. Уни фақат суд ёки суд ижросисини қонунда белгиланган тартибда тўхтатиши мумкин. Қарздорнинг четга чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш қарздор ижро ҳужжатидаги талабларни белгиланган муддатда, узрли сабабларсиз ижро этмаса суд ижросисини қарори асосида қўлланилади. Ижро ҳужжатидаги талабларни қарздор беш кун ичида амалга ошириши керак. Қарздорнинг четга чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарорни суд ижросисини ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббусига кўра чиқаради. Қарздорнинг четга чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисидаги ариза билан ундирув-

чи ёки унинг қонуний вакили мурожаат қилиши мумкин. Ушбу аризада, албатта, асосланган сабаблар кўрсатилиши лозим. Суд ижросисини ундирувчининг аризасини кўриб, қарздорнинг четга чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаради ёки аризани қаноатлантиришни рад қилиб, ундирувчига асосли жавоб юборида. Қарздорнинг четга чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқарган суд ижросисини қарорни зудлик билан Суд департаментининг худудий бошқармасига жўнатади. Унинг нусхалари эса қарор чиққан куннинг эртасигаёқ қарздор ва ундирувчига етказилади.

Агар қарздор чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса, унинг четга чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш ҳақидаги талабнома тегишли органга маълумот бериш учун фақат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига юборилади.

Қарздорнинг четга чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклашга асос бўлган ижро ҳужжати талаблари амалда ижро этилганда ёхуд қонунда белгиланган асосларга кўра, ижро ҳужжати тугатилган ёки тасмолланган тақдирда суд ижросисини эртаси кунидек катта суд ижросисини имзоси билан қарздорни ёзма равишда хабардор қилади. Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ҳамда Давлат чегарасини кўриклаш органлари хабарни олгандан сўнг зудлик билан қарздорга нисбатан Ўзбекистон Республикасидан четга чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклашни олиб ташлайди.

Суд ижроси, зарурат туғилганда, яъни қарздор Ўзбекистон худудидан ташқарига соғлиғини тиклашни тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлса ёхуд нуфузли расмий делегация таркибига киритилганда, унинг четга чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш ҳаракатдан тўхта-тиб турилади. Бундай ҳолларда суд ижросисини қарздорга тегишли бўлган вақтинча чекловни тўхтатиш тўғрисида қарор чиқаради, уни катта суд ижросисини тасдиқлайди.

Шерзодбек МАМАДАЛИЕВ, Суд департаментининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси суд қарорларини ижро этиш бўлими етакчи инспектори

Тадбир

Ёш бастакорлар танлови

Миллий маданият ва санъатимизни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар истеъдодли ёшларни тарбиялаш, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқаришда муҳим омили бўлаётир.

Ўзбекистон давлат консерваториясида "Ижодимиз сенга, Ватан!" ёш бастакорлар танловининг республика босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Кўриқнинг саралаш босқичи жорий йилнинг 2-3 ноябрь кунлари ўтказилиб, унда 30 ёшгача бўлган 76 бастакор эстрада йўналишида чолгу ва вокал, яқкахон ижрочилар учун вокал ва камер, симфоник оркестр, халқ чолгу оркестри учун асарлардан намуналар ижро этганди. Сўнгги босқичда эса йигирма тўрт бастакор юқоридаги талаблар асосида ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

Танлов доирасида "Ўзбекистон композиторлари ижоди — ёшлар нигоҳида" мавзусида илмий анжуман ўтказилди. Унда Ўзбекистон композиторлари ижодида соната жанрининг ривожланиши, бастакорлик техникаси, бастакорликнинг кечаги ва бугунги аҳоли, йирик ҳажмли асарлар яратиш, мумтоз мерос намуналари, ўзбек миллий аънаёлари каби мавзуларда сўз юритилди.

Мазкур танлов санъатсевар ёшларнинг саҳна маданиятини, мусиқага оид билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.

Голиб ва совриндорларга диплом ва совғалар топширилди. Улар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Ойдин НАСРИДИНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Миллий гуруҳ

Сайёрамизда электр энергиясини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган углеводород хомашёси захиралари йилдан-йилга камайиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда муқобил энергия манбаларидан оқилона ва самарали фойдаланишга катта эътибор қаратишмоқда. Бу эса иқтисодий имкониятлардан фойдаланишнинг турли тармоқлари ривожлантириш-моқда.

"Она юртим равнақига ўз ҳиссамни қўшишим керак"

дейди "Юрт келажиги" танловининг вилоят босқичи голиби Абдурауф Абдуғафоров

Қарши муҳандислик-иқтисодий институти 4-курс талабаси Абдурауф Абдуғафоров оддий чиқиндидан, электр энергияси ҳосил қилувчи ускуна ихтиро қилди. Тадқиқотчи ўсимлик ҳамда турли санаят қолдиқларини вакуум шароитида қиздириш орқали ундан катта миқдорда энергия олиш мумкинлигини амалда синая кўрди.

— Ушбу ишланманинг мақсади органик чиқиндилар, яъни дарахт кукун, гўзапоя, ҳайвонлар чиқиндиси, ишга яроқсиз резина ва шиналар ҳамда бошқа қолдиқлардан қаттиқ, суюқ ҳамда газсимон ажралмалар олиш, қишлоқ аҳолиси ва фермер хўжалиқларини ушбу ёқилғи билан таъминлашдан иборат, — дейди А.Абдуғафоров. — Ҳозирда фойдаланиб келинаётган энергия манбалари, асосан, кўмир, нефть, газ ва бошқа табиий ресурслар ҳисобига олиниб, катта харажатлар эвазига ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, қазилма бойлиқларнинг захиралари чегараланган: битмас-туганмас эмас. Шу боис чиқиндиларни қайта ишлаш йўллари ўрганиб чиқиш, уларни такомиллаштириш ва қулай оптимал вариантларини ҳаётга татбиқ қилиш муҳим, деб ҳисобладим.

Ўқода ёқилган ўтиндан ажраладиган иссиқликнинг 95 фоизи ҳавога чиқиб кетишини кўпчилик билмас керак. Тандирда ҳам ёқилганининг фойдали иш коэффициентини 7 фоиз. Устозим ёрдами билан ясаган ускунамиз ана шу бесамар кетадиган энергиядан юз фоиз фойдаланиш имконини беради. Унда, дастлаб, чиқиндилар 10-15 фоиз қуритилиб, сўнг вакуум шароитида қиздирилади. Йигирма дақиқа ўтгач, ундан пиролиз газ ажралади. Кейинроқ кўмир брикет ва ниҳоят, қайта ишлаш жараёнида суюқ ҳолдаги бионефть ажралаб чиқади.

Абдурауф устози Раҳим Рабимов кўмагида ушбу ускунани ишлаб чиқиш устида тўрт йил изланиш олиб борди. Баъзида натижа кутилганидек чиқавермади ёки бирор муаммо ечим бўларди даражада эмасдек туюлди. Лекин у орқага чекинмади, аксинча, янги куч-ғайрат билан ҳаракат қилди ва ниҳоят

кўзлаган мақсадига эришди. — Юқорида келтирилган чиқиндиларни қайта ишлаш учун металлдан ясалган реактор ишлатилади, — дея гапида давом этади ёш ихтирочи. — Чиқиндиларни катталиги 1-1,5 сантиметр қилиб майдаланади. Намлиги 10-15 фоизгача қуритилади, қуритилган чиқиндилар реакторга жойланади ва зичлаб ёпилади, уни юқори ҳарорат билан яъни, 150-600 даражагача қиздирилади, қиздириш мобайнида 20-25 дақиқада пиролиз газ — метан ажрала бошлайди. Жараён 2-2,5 соат давом этади ва аввал кўмир, кейин эса буғ газ совитилгандан сўнг суюқликка айланмайдиган газ ажралаб чиқади. Охири-охири



суюқликка айланган био-нефть ҳосил бўлади. Ушбу пиролиз қурилмасини ишлатганимизда чиқинди ҳосил бўлмайди, яъни пиролиз қурилмаси чиқиндисиз техноло-

гия ҳисобланади. Дарҳақиқат, хўжаликда юзага келадиган (чорва молларидан) чиқиндини тозалаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш ҳам фаолиятнинг муҳим қисмини ташкил этади. Чорвачилик фермалари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг чиқиндилари, хусусан, таркибда экологик жиҳатдан хавфли моддалар: аммиак, водород сульфиди, меркаптан, фенол, оғир металл тузлари кўпчилиги боис турли касалликлар тарқалиши нуктаи назардан катта хавф тугдиради. Бу чиқиндиларни қайта ишлаш натижасида экологик муҳит ҳам яхшиланади.

Ҳа, изланиш, тинимсиз меҳнат Абдурауф каби ёшларни муваффақиятлар сари ундамоқда. Бу эса мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, уларга қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

— Бу ускуна чиқиндини қишлоқ ва фермер хўжалиқлари учун зарур бўлган ёқилғи ва электр энергиясига айлантириб беради, — дейди Абдурауф. — Ҳали олдинда режаларим кўп. Она юртим равнақи учун оз бўлсада, ўз ҳиссамни қўшсам, бахтиёрман.

Бир сўз билан айтганда, бу каби изланиш ва ихтироларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда янги истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш ва экспертиза қилишда илмий асосланган тақлифлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Мардлар байрамига муносиб ҳозирлик

Миллий матбуот марказида "Миллий армиямиз ҳарбий хизматчиларининг мардлик ва матонат фазилятларини тарбиялаш, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабидир" мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан Ватан ҳимоячилари куни ва мамлакатимиз Куролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллигига тайёргарлик кўришга бағишлаб ташкил этилган матбуот анжуманида вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолияти, ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар ҳақида сўз борди.

Президентимизнинг 2012 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришни янада чуқурлаштириш, Куролли Кучларда, Мудофаа вазирлиги фаолиятида ошқоралик ва очиқликни таъминлаш, фуқаролар ва жамоатчиликнинг мудофаа ва ҳарбий соҳада амалга оширилаётган давлат сиёсатида иштирокини таъминлаш, ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, ҳарбий хизматни ўтаётганлар ва чакрилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш мақсадида Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилган эди. Кенгаш раиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-

маси раисининг ўринбосари Иқболжон Мирзаалиевнинг айтишича, ўтган даврда кенгаш миллий армиямизнинг салоҳияти ва кудратини кенг тарғиб этиш борасида муайян ишларни амалга оширди. Хусусан, мактаб ўқувчиларида она Ватанга муҳаббат тўғрисидаги шакллантириш, уни ҳимоя қилиш, ҳарбий хизматчилик билан бўлиш иштиёқини ошириш, ҳарбий таълим муассасалари фаолиятининг самарадорлигини юксалтириш юзасидан кўплаб лойиҳалар татбиқ этилди. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар, Куролли Кучлар ҳарбий хизматчиларини ҳамда ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатилган фуқароларни, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ҳарбий қисмларда турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан Мудофаа вазирлиги ўртасида самарали ҳамкорликни мустақамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимизнинг 2015 йил 9 декабрдаги "Ватан ҳимоячилари кунига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида"ги фармойиши асосида мамлакатимизнинг барча вилоятларида маънавий-маърифий, ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари, танлов ва беллашувлар ўтказилди. Таълим муассасаларида ташкил этиладиган "Мардлик ва жасорат дарслари" да Куролли Кучлар ҳарбий хизматчилари ва фахрийлар билан учрашувлар ташкил этилади.

Аҳмад ЮСУПОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарх

Янги йилнинг янгроқ садоси

уни муносиб кутиб олиш учун барча халқ қизгин тараддуд кўради ва ўзига хос қарши олади

Янги йил дунё халқларининг энг сеvimли байрамларидан. Уни барча бирдай ўзгача шукҳ ва қувонч билан қарши олади. Мазкур байрам ҳар мамлакатда турлича нишонланади, асрлар давомида яшаб келаётган урф-одат ва удуmlарга бойдир.

Масалан, Италияда Янги йил, одатда, ташқарида кутиб олинади. 1 январь кун тунда автомобиль ҳаракати тўхтатиб қўйилади. Римдаги Пьяцца дель Пополо майдонида Янги йил намойишлари ўтказилади. Бу ерда Қорбобони Баббо Натале деб аташади. У америкаликларнинг Санта Клаусига жудаям ўхшайди. Бироқ байрам совғаларини болаларга у эмас, балки олижаноб Фея Бефана улашади. Афсоналарга кўра, у ярим тунда учиб келиб, йил бўйи ўзининг яхши хулқи ва одоби билан бошқаларга ўрнак бўлганларга турли ширинликлар, тўполончиларга эса кўмир бўлагини қолдириб кетади. Рим аъналарига кўра, Тибр дарёси устидаги кўприқдан ўзини сувга ташлаган инсон Янги йилда бахтли бўлади, деб ҳисобланади. Мазкур мамлакатда Янги йил кечаси уйдаги барча эски нарсалар ташқарига чиқариб ташланади. Италияликлар қанчалик кўп эски буюмлар чиқариб ташланса, унинг изидан Янги йилда шунчалик кўп бойлик кириб келишига ишонадилар. Италияликларнинг Янги йил дастурхонида, албатта, ёнғоқлар, ясиқ ва узум бўлиши шарт. Чунки улар наздида бундай маҳсулотлар узок умр кўриш, саломатлик ва фаровонлик рамзидир. Италияда яна бир удуm бор: 1 январь кун эрталаб уйга булоқдан сув олиб кирилади. Улар сув бахт-саодат олиб келади, деб ҳисоблайди. Италияликларда шундай нақл бор: "Агар дўстларга совға қилишга ҳеч нарсан бўлмаса, унда сув билан зайтун новдасини ҳада қил". Шунингдек, италияликлар учун Янги йилнинг илк кунини биринчи бўлиб кимни учратиб қолиш ҳам жуда муҳим. 1 январь кун букчайиб қолган кекса инсонга дуч келиш — чинакам бахт саналади.

Германияда ҳам Янги йил алоҳида қувонч ва тайёргарлик билан қарши олинади. Шу кун кўчаларга одамлар сизга кетади: шаҳарларнинг марказий майдонларида мушаклар отилади. Бар ва клублар гажум бўлади. Кекса авлод вакиллари Янги йилни шинам ресторанларда кутиб олишни, концертга киришни афзал билади. Янги йилга тайёргарлик эса анча аввал бошлаб юборилади. Немисларда Янги йилни фақат Янги нарсалар билан қарши олиш одати бор: бир ой олдин Янги стол харид қилинади, яқин инсонлар меҳмонга чақирилади. Шу боис Янги йил кун эрта тонгдан стол устига Янги дастурхон ёзилиб, Янги идиш-товуқлар қўйилади.

Шотландияда Янги йил шодиёналари 29 декабрдан бошланиб, тўрт кун давом этади. Шу кун одамлар ёқилган машъалаларни қўлга олиб, кўчага тўпланадилар. 30-31 декабрда байрам тадбирлари давом этади. Кўчаларда ташкиллаштирилган театр, миллий рақс намойишлари бай-

рамга ўзгача кайфият ва кўтаринчилик бағишлайди. Мамлакатда Янги йил билан боғлиқ яна бир қадимий одат бор: байрам кун ёнвчан модда — смола солинган бочкани ёқиб уни кўча бўйлаб гилдира-тиш. Бу эски йилнинг ортда қолгани ва Янги йилга йўл очилганининг рамзидир. Янги йилда, аънага кўра, эрталабки дастурхонга кулча, пишлоқ, тушлиқда эса дудланган гоз ёки бифштекс, олмали пирог тортилади.

Испанлар ҳам Янги йилни ўзига хос шоду-хуррамлик билан қарши олишади. Испанияда бу байрамни нишонлаш 25 декабрдан бошланиб, 12 кун, яъни 6 январга қадар давом этади. Янги йил кун одамлар шаҳарларнинг куранти атрофида жам бўлиб, 12 донга узум донасини ёйишади. Узумнинг ҳар бир донаси ўн икки ойнинг барчаси омадли ўтишига ишорадир. Бу аънананинг юзага келганига юз йилдан ошди. Гап шундаки, 1909 йилда Испанияда узумдан шу қадар кўп қосил олинганки, сотувчилар унинг нархини қанчалик тушмасин, омбухоналардаги саватларга сизгамай қолган узумнинг ҳаммасини сотиб юборишнинг имкони бўлмаган. Фойдадан бутунлай бенасиб қолмаслик учун сотувчилар ўзига хос айёрлик, реклама, тарғибот усулидан фойдаланишга қарор қилишади. Шунда улар Янги йил кун курантнинг ҳар бонг урганида биттадан узум еган кишига Янги йилда омад кулиб боқади, деган гапни ўйлаб топадилар. Орадан анча вақт ўтганига қарамай, бу аънага ҳамон бардавон.

Финляндияда Янги йил, одатда, ресторанларда ҳамкасблар ва танишлар даврасида қарши олинади. Соат 12 да одамлар кўчага чиқиб, мушакбозликни бошлаб юборишади. Одамлар ана шундай шукҳли тунда бир-бирларига саломатлик, бахт-саодат тилади. Фақат шу кун пиротехника воситаларидан фойдаланишга руҳсат берилади. Кўплаб фин оилалари буғу ва ит қўшилган чаналарда учин учун тоғли худудларга, хусусан, Лапландияга йўл оладилар.

Франциянинг кўплаб қишлоқларида эса ўзига хос аънага сақланиб қолган: уй бе-



илиқ бўлади. Бу эса кўчада кун давомида сайр қилиш имконини беради. Янги йил кун хаво ҳарорати камдан-кам ҳолларда 15 даражадан пастга тушади. Мазкур мамлакатнинг шимолида яшовчи одамлар Янги йил кун ўзларига пушти, қизил ранглар билан оро берадилар. Жанубда эса хинд аёллари патнисларни турли ширинликлар, гул ва кичик совғалар билан тўлдириб қўйишади. Янги йил кун эрталаб кичкин-тойлар кўзларини очмай патнис ёнига келиб, совға таналядилар.

Вьетнамда Янги йилни Тет деб аташади. У ой календарига бўйича, (21 январдан 19 февралгача) эрта баҳор пайтида нишонланади. Бундай кунда барча араз ва гина-кудратлар унутулади. Байрам оқшомда вьетнамликлар бир-бирларига гуллаш арафасида турган, гўраси бор шафтоли дарахти новдаларини совға қилишади. Кўчалар эса гуллаётган новда ва гулдасталар билан безатилади. Мамлакат жанубидаги уйларда эса беш донга ўрик гули бўлган шохчалар "арча" вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, уй меҳробига тарвуз қўйишади. Унинг қип-қизил ширин бўлақлари омад келтираркан. Тет оилавий байрам бўлиб, фарзанд ва набиралар бобо, буви ва ота-оналарини табриклашади. Катталар ҳам оиланинг кичик аъзоларини кутлаб, уларга қизил халтачаларда пул совға қилишади. Шу кун аёллар қизил ва сарик, эркеклар эса қора рангли кийимлар кийишади. Ибодатхоналардаги руҳонийлар ҳам ташриф буюрувчиларга қизил халтачада пул ҳада этишади. Вьетнамликларда зогорабалиқ сотиб олиб, Янги йилдан кўтаётган ниятларини айтган ҳолда уни ариқ ёки ҳовузларга қўйиб юбориш аънагани ҳам бор. Мамлакат аҳолиси аънага ва одатларини минг йиллардан бери сақлаб келаётгани учун ҳам бу ерда Тет байрами арафасида сайёҳлар оқими кўпаяди.

АҚШда эса совғадан кўра унинг ўрмаларига алоҳида эътибор қаратилади. Янги йил оқшомида оила аъзолари совғаларни ўзгача ҳаяжон билан очишади. Бунга сабаб совға худди қарам ичида яширингандек, бир неча ўрамга солинган бўлади. Шу боис ўрамлар ичида нима яширинганига ҳамма қизиқади.

Англияда 1752 йилда Янги йил расмий байрам мақомини олган. 1843 йилда эса ушбу сана муносабати билан ёру дўстларга табрик хати юбориш аънагани пайдо бўлган. Шу кун Лондон кўчаларида катта сайил уюштирилиб, Беркли майдонига келган ҳар бир киши карнавал иштирокчисига айланиши мумкин. Инглизлар Янги йилдаги биринчи меҳмон хонадон аъзоларига албатта омад келтиришига ишонашади, шу боис кўпинча ёш, келишган ва соғлом йигитни кутишади. Малла, сарик сочли эркеклар ва аёллар иложи борича уйга қўйилмайди. Мамлакатнинг баъзи жойларида сочинг рангига эътибор қилинади. Одамлар меҳмондорчиликка нон, пирог, туз ва бир бўлак кўмир олиб боришади. Чунки нон ва пирог — мўлк-кўллик, кўмир — иссиқлик, туз эса бойлик рамзи. Лондондаги машҳур "Big Ben" соати 24 га бонг урганда мушакбозлик бошланади ва ҳамма байрам мадҳиясини куйлайди. Қадимий таомилга кўра, шу онларда эски йилни кузатиш ва Янги йилни кутиб олиш учун уй эшиклари очиб қўйилади.

Австрияда эса курант вазифасини Муқаддас Стефан ибодатхонасида ўрнатилган "Дунё кўнгириги" бажаради. 31 декабрь кун унинг атрофида кўплаб одамлар йиғилади. Улар "Дунё кўнгириги"нинг 12 бор бонг уришини эшитиш учун тўпланишади.

Бразилияда ҳам байрам жуда чиройли, ўзига хос тарзда нишонланади. Шу кун океан соҳилларига минглаб шам олиб келиниб, кум устида ёқиб қўйилади. Бразилиялик аёллар узун қўйлақларда, қўлларидан гул тутган ҳолда океан сувига кириб, сув устига гул япроқларини сочадилар. Ирландияда эса Янги йил кириб келиши олдида хонадонлар эшикларини очиб қўйишади. Ҳар ким исталган хонадонга ташриф буюриб, барчани Янги йил байрами билан кутлаши мумкин.

Нима бўлганда ҳам Янги йил барча халқлар учун бирдай сеvimли байрам. Байрам тантаналари қордек оппоқ тилақлар, покиза орзу-ниятлар, айниқса, болаонларнинг бегубор, шодон кайфиятига ҳамоҳанглиги билан ҳам янада шукҳлидир.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Беш штатга ёпирилган қуюн

АҚШда содир бўлган торнадо оқибатида 25 киши ҳалок бўлди, 800 дан зиёд тураржой бинолари вайронга айланди, деярли 200 автомобиль йўли ёниб қўйилди, дея хабар беради "euronews.com" Интернет нашри.

Кучли қуюн Техас штатидаги Даллас шаҳри атрофида ҳаракатланган. Оқибатда Техаснинг Гарленд шаҳрида беш, Коупвилл шаҳридаги автоёниги қўйиш станциясида яна икки киши ҳаётдан кўз юмди. Табиий офат оқибатида Техас, Миссисипи, Теннесси, Арканзас ва Алабама штатлари аҳолиси жабр кўрди. Яна ўн штатда торнадонинг юзага келиш хавфи сақланиб қолмоқда. Метеорологларнинг фикрича, бундай хавфли қуюннинг юзага келаётганига қиш фаслида ҳали шу вақтгача кузатилмаган илиқ ҳаво ҳароратининг сақланиб қолаётгани сабаб бўлмоқда.

Аввал ёмғир, кейин сув тошқини

Буюк Британиянинг шимоли-ғарбий қисмида ёққан кучли жала сув тошқинига сабаб бўлди.

Оқибатда, қарийб минг киши хавфсиз жойга кўчирилди. Ланкашир графлигида ўн мингдан зиёд тураржой биносини электр манбаидан узилиб қолди. Йоркшир графлигининг ғарбий қисмида ҳам вазият мураккабланиб қолмоқда. Манчестер ва Лидс шаҳарларидаги дарёлар суви ўзанидан чиқиб кетди. Офат оқибатларини бартафат этиш учун ҳарбийлар ҳам сафарбар этилди.

Айни вақтда Буюк Британия бўйлаб турли худудларда тошқин содир бўлиши мумкинлиги ҳақида қарийб 330 огоҳлантириш берилган.

Икки километр ҳудуд зарарланди

Австралия шимоли-шарқида поезднинг рельслардан чиқиб кетиши оқибатида 200 минг литр сульфат кислота ерга тўкилиб кетди. Бу ҳақда "The Australian" нашри хабар тарқатган.

Ҳалокат оқибатида 26 цистерна ағдарилиб кетди. Уларнинг барчасида сульфат кислотаси бор эди. Поезднинг рельслардан чиқиб кетиши оқибатида уч киши шикастланиш билан шифохонага етказилди. Темир йўлнинг ҳалокат содир бўлган худудидан юк ташини тақиқланди. Хукумат фавуқлода ҳолат эълон қилди. Полиция маҳкамаси ҳалокат рўй берган жойдан икки километр радиусгача бўлган масофани ўтиш мумкин бўлмаган худуд, деб белгиллади.

Рангин дунё

28 декабрь дунё миқёсида Халқаро кино кун сифатида кенг нишонланади. Чунки 1895 йилнинг ана шу санасида Париж шаҳрида илк марта кинонинг тижоррий намойиши ўтказилган эди. Ушунда томошабинларга ака-ука Луи ва Огюс Люмьер суратга олган кичик ҳажмли фильмлар намойиш этилган.

Дунёда кино соҳасида кўплаб нуфузли мукофотлар таъсис этилган. Бундан мақсад — дунёнинг энг маҳоратли режиссёр, актёр, оператор ва бастакорлар меҳнатини муносиб тақдирлаш, уларни янги муваффақият сари ундашдан иборат. Одатда, бундай мукофотларни топшириш маросимлари чинакам байрамга айланиб, дунё жамоатчилиги, кино шинавандларининг диққат-эътибори ана шу жараёнларга қаратилади. Қуйида биз дунёдаги энг нуфузли кино мукофот ва фестиваллар ҳақида хикоя қиламиз.

Дунёдаги энг нуфузли киномукофот Америка кино санъати академиясининг "Оскар" мукофотидир. Мазкур мукофот 1929 йилдан буён ҳар йили февраль ойида топширилади. Ҳалибларга икки қўли билан шамширнин ерга қадаб турган рицар кўринишидаги статуэтка тақдим этилади. Унинг оғирлиги — 3,9 килограмм бўлиб, турли металл қотишмалардан тайёрланган, ташқи томондан 24 қаратли олтин билан қопланган. Нуфузи жиҳатидан

"Сезар"дан "Оскар"гача

ёхуд дунёнинг нуфузли кино мукофот ва фестиваллари

"Оскар"дан кейин туровчи иккинчи мукофот — "Олтин глобус". Мазкур мукофотни 1944 йилдан буён Голливуднинг Хориж матбуоти ассоциацияси топширади. Тақдирлаш маросими ҳар йили январь ойи охирида ўтказилади. Шу боис уни "Оскар" мукофотининг топширилиш жараёнигача бўлган асосий тайёргарлик тадбири, деб аташади. "Оскар"дан фарқи равишда "Олтин глобус" телеиндустриядаги муваффақиятлар учун ҳам берилади. Ҳалибларга бронзадан ишланган, олтин суван югуртирилган глобус шаклидаги, ўртасидан кинотасма тасвири туширилган статуэтка тақдим этилади.

Кўплаб мамлакатларда миллий киномукофотлар таъсис этилган. Улар орасида энг таниқлиси — Британия кино ва телевизион санъат академияси (BAFTA) ҳамда Франциянинг "Сезар" мукофотларидир. Британия кино ва телевизион санъат академияси (BAFTA)нинг мукофотини топшириш маросими 1948 йилдан буён ҳар йили февраль ойининг бошларида Лондонда ўтказилади. Мукофот статуэткаси ниқоб шаклида бўлиб, бу кино санъатининг телеиндустрия билан уйғунлиги рамзидир. Француз кино мукофо-

ти — "Сезар"ни "Оскар"нинг Европадаги мукоби дейиш мумкин. Франция кинематография санъати академияси таъсис этган мазкур мукофот 1976 йилдан буён ҳар йили кино соҳасидаги ютуқлар учун топширилади. Кишини биров мушоҳадага чорлайдиган кўринишдаги мукофот статуэткаси гоёси муаллифи ҳайкалтарош Сезар Бальдучидир. Машҳур кинофестивалларни ўтказишдан мақсад — мутлақо Янги киноасарларни оммага таништириш.

Аънага мувофиқ, йирик кинофестивалларда дунё миқёсида яратилган кино асарларнинг премьералари ўтказилади. Битта кино асар

бир вақтнинг ўзиде иккита кинофестивалда иштирок этиши мумкин эмас. Венеция, Канн ва Берлин кинофестиваллари Европадаги "Катта учлик" сифатида эътироф этилади. Улар орасида Венеция кинофестивали дунёдаги энг кўҳна саналади. Фестиваль 1934 йилдан бошлаб ҳар йили август-сентябрь ойларида Италиянинг Лидо оролида ўтказиб келинади. Танловга асосан профессионал ҳакамлар тасдиқдан ўтган 20 дан зиёд картина қатнашади. Асосий мукофот — "Олтин шер" статуэткаси танловнинг энг яхши фильмига топширилади.

Канн кинофестивали сайёрамиздаги энг нуфузли кино намойишларидан бўлиб, 1946 йилдан буён ҳар йили май ойида Франциянинг Канн шаҳрида ўтказилади. Асосий тан-


ловда икки юзга яқин фильмлар иштирок этади. Ҳалибларни профессионал ҳакамларнинг ҳайъати аниқлайди. "Олтин пальма япроғи" статуэткаси асосий мукофот сифатида танловнинг энг яхши фильми учун тақдим этилади.

Халқаро Берлин фестивали эса 1951 йилдан буён Германия пойтахтида ўтказиб келинади. Асосий танловда ҳакамларнинг энг кўп овозини қўлга киритган фильм "Олтин аийқ" сатуэткаси билан тақдирланади.

Москва халқаро фестивали — дунёдаги кўҳна кинофестиваллардан бири бўлиб, 1935 йилдан бошлаб ҳар йили июнь ойи охирида ўтказилади. Асосий мукофот — "Олтин Георгий" статуэткаси.

Сандэнс эса нафақат АҚШда, балки дунёда ўз нуфузига энди кириб келган иқтидорли ижодкорларни қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган. Қоидага кўра, танловга турли мамлакатлар кинорежиссёрлари ишлаган дастлабки ёки иккинчи фильмлар тақдим этилиши мумкин. Асосий танловда голиб чиққан уч фильм муаллифларига Роттердамнинг "Олтин йўлбарс" сатуэткалари ҳамда 15 минг евро мукофот пули топширилади.

Саҳифани "Milliy tiklanish" муҳбири Шахзод ҒАФФОРОВ тайёрлади



Жиззах вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти жамоаси

юртдошларимизни

Янги 2016 йил

билан кутлайди.

**Қириб келаётган Янги йил ҳар бир оилага,
ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик ва
қут-барака олиб келсин!**

РЕКЛАМА

Истиқлол манзаралари

Эл-юртга муносиб бўлиш бахти

Аёл соғлом элнинг фарзанди баркамол, келажаси нурафшондир. Бу борада ўзбекистонлик хотин-қизларга ҳавас қилса арзийди. Бугун юртимизда қайси соҳани олиб кўрманг, ўз ўрнини топаётган аёллар сафи кенгаймоқда. Аслида аёлнинг жамиятда ўз ўрнини топиши — унинг ҳаётдан мазмун ва қувонч топиб яшаётганидан да.юлатдир.

Президентимиз 2016 йилни Соғлом она ва бола йили, деб номлашни таклиф қилганида, бу эътибор яна бир бор ўз исботини топди. Кўз олдимга ўзим билган, таниган аёллар, оналар келди. Зеро, уларнинг ҳаётидаги муштарак жиҳат — ўз ҳаётидан хурмат-иззат топганида.

...“Олтинкўл водий гулшани” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Сиевсатхон Абдуллаева 30 йиллик кадрдонни. Унинг камтарлиги, содда, меҳнатқашлигини, даласига қанчалар меҳр қўйганига ўзим гувоҳман. Сиевсатхон опа дала ва рўзгорга бирдай меҳр бера олган, фарзандлари тарбиясини ҳам қўлдан қўймаган юртимизнинг бахти тўқис аёлларидан.

Олтинкўл туманидаги “Офтобачек” маҳалласида Жамила опа деган чевар аёл бор: тиккан кўйлақларига харидор кўп. Ҳар гал хонадонига кирсам, саранжом-саришталик, айниқса, дид билан зеб берилган томорқасига ҳавас қиламан. Ун икки ой Жамила опанинг томорқаси бўш қолмайди: ҳамisha нимадир экилган бўлади. Эгатлар батартиб, жўяклар ичида бегона ўт кўрмайсиз.

— Томорқангизни сира ўт босмайди-я, — кулиб сўрадим бир гал. — Бунга қандай улгурасиз?

— Киши хоҳласа ҳамма нарса-ни уйдalasа бўлади, — дейди у. — Гўзалликни, саришталикни эқтираман. Кўпчилик тонгда туриб жисмоний машқ қилади-а, биз шу машқни ҳар тонгда томорқада бажариб қўя қоламиз. Ҳамма жўякдан бор-йўғи бир сиқим ўт чиқади. Андижоннинг Эски шаҳар мавзесидаги ажаб чиройли, шароитлари бисёр деҳқон бозорини кўриб, кўзим қувнайди. Боргим келаверади. Тинч, фаровон юрт тўқинлигига кичик бўлса ҳам хисса қўшай, деб ҳаракатдаманда.

Бунақа саришталикни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, “Дўстлик” ор-

дени соҳибаси, дугонам Асалхон Расулованинг дала шийпониди ҳам кўриш мумкин. Атрофи тол-тераклар билан қуршалган соя-салқин шийпон ва унга ёндош баланд ишқомлар остидаги чорпояларга кўрпачалар тўшалган, шийпонни айланиб ариқ оқади. Гуллари то қишнинг совуқ кунларигача турадиган гулзор. Рўпарадаги тандирда ҳар кун ит ёнади, нон ёпилади. Ҳамири сутга қорилган, юзи лов кизил нонлар. Шийпондаги учта соғин сигир шу мақсадда боқилади. Йилнинг тўрт фаслида ҳам бўш қолмайдиган мўъжазгина томорқа дала қозонини масалликлар билан таъминлайди. Буям тadbиркорликнинг бир тури-да.

Пахтакорликда Асалхон Расуловга етадигани кам. Эсини таниб бригадир, хўжалик раҳбари бўлган. Фермер сифатида вилоятдагина эмас, кўп бор мамлакатда ҳам биринчи бўлиб мусиқа ва санъат мактабининг аънавий хонандалик бўлими ўқувчиси Муслима Мирзаевани




нафақа ёшига етди-ю ўрнини она касбига меҳр қўйиб, агрономликка ўқиган фарзанди Музаффаржон Ҳамроевга топширди. Музаффаржон ҳам икки йилдан буён пахта шартномасини ёруғ юз, катта хирмон билан яқунлайди.

“Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади”, дея яна бир бор таъкидлади Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганнинг 23 йиллик байрамида. Чиндан ҳам, она эъзоз топган, тўқис шароитда яшаётган оилаларда фарзандлар ҳам ҳеч кимдан кам бўлмайди камол топади. Буни биргина Олтинкўл туманидаги ёшлар мисолида ҳам яққол

кўриш мумкин. Ўзбек жанг санъати бўйича жаҳон, 5 карра мамлакат чемпиони Ислоҳон Каримов, кураш бўйича жаҳон чемпионати кумуш медал соҳибига Бобурмирзо Мўйдинов, таэквандодан қатор халқаро мусобақалар голиби Мафтуна Толипова, шахмат бўйича 7 ёшли Ўзбекистон чемпиони Дурдона Тожибоева — мустақил мамлакатнинг бахтиёр болаларидан. Бу рўйхат йил сайин узайиб бориши табиий. Ахир тумандаги таълим муассасаларида 51 спорт зали, 50 футбол, 62 волейбол, шунча баскетбол, 28 кўлтўпи майдони фаолият кўрсатяпти.

Ҳали мучал ёшига етмай халқаро танловда совриндор бўлиб қайтган тумандаги 17-болалар мусиқа ва санъат мактабининг аънавий хонандалик бўлими ўқувчиси Муслима Мирзаевани



олайлик. Унга санъаткорлик буюиси Мавлуда Каримовадан юккан. Мавлуда опа кўшиқни маромига етказиб қўйлайди. Шеърларга куй басталайди. Узининг ёшлик давридаги имкониятсизликлари туфайли санъаткор бўлолмаган. Орзулари рўёбини набирасида кўрапти.

...Олтинкўлга келин бўлиб тушганимга 35 йил бўлди. Мустақилликкача туман марказий касалхонасининг тарқок, кичик-кичик, шунчаки мослаштирилган биноларида бир неча бор болаларим билан даволанганман. Шароит йўқлиги сабаб, болаларим касал бўлса, изтиробга тушавардим. Ҳатто бир неча танқидий мақолалар ҳам ёзганман. Бугун эса туман со-



ликни сақлаш бўлимига қарашли янги туғруқ мажмуасини кўрган кишининг кўзи яйрайди. Тумандаги бошқа шифохоналарда яратилган шароитлар ҳам шундай: касалхона эмас, санатория дейсиз.

Яқинда Конституциямизнинг 23 йиллик байрами олдида бир гуруҳ ижодкор ҳамкасблар иштирокидаги тарғибот тadbирларида қатнашдим. Бир учрашувимиз Асаканинг Ниёзботир қишлоғидаги 22-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлди. Иқтидорли болаларга санъатнинг 10 йўналиши бўйича сабоқ берилаётган бу муассаса биноси, дарсхоналари, концерт зали шу қадар бекаму кўстки, ҳавасинг келади. Деворларда мактаб ўқувчиларининг вилоят ва республика миқёсидаги кўрик-танловлардаги иштироклари акс этган суратларни кўрдик. Миллий рақс йўналишида 2-синф ўқувчиси Ҳасанбой Ҳасанбоев шу кунларда олис Италияда ўтадиган кўрик-танловга тайёргарлик кўраётганини эшитиб, хурсанд бўлдик.

Улуғнор туманидаги таассуротларим ҳам бир олам бўлди. Бу туман ҳақида яқин-яқингача “бешафқат чўл зонаси”, “муаммоси бир олам, ўзи шип-шийдам маскан” деган гаплар юрарди. Бугун эса замонавий қоллеж-лицейлар, мактаб ва болчаларда таълим-тарбия олаётган фарзандларидан кўнгли тўқ оналар намунавий лойиҳада қурилган, шароитлари тўқис уйларида яшамокда. Туман чиройига кўрк бўлиб тушган болалар спорт мажмуаси, айниқса, оналарни жуда хурсанд қилди. Бу ерда спортнинг ўндан ортиқ тури билан шуғулланаётган болалар эртага халқаро майдонга чиқса-

чиқмаса, соғлом бўлиб улғайиши, ҳаётини тўғри, соғлом тарзда йўлга қўйиши тайин.

Бу — медаллар шодасига эришишдан ҳам юксакроқ манзил.

Аммо гуруч қурмакисиз бўлмас. Ҳамма оила ҳам шуқроналик ҳисси билан яшашапти, фарзандларини озодюртнинг эртанги эгаси қилиб тарбиялашга сидқидилдан киришиди, дейиш қийин. Бугун

дунёнинг қай четиди бўлаётган фитнес, бузғунчилик, қабохатли террор тўфонлари тинч, тўқин ва фаровон ҳаётимизга ҳам раҳна солишга уринаётгани бор гап. Салгина бефарқлик ё гафлат боис онда-сонда бўлса-да баъзи бир ёшларимиз залолатни ушлаган шу оқимлар таъсирига ҳам тушиб қолмоқда. Баъзи ёшларимиз ўзга юртлардан пулни ердан супуриб оламан, деб ўз кунини кўролмай, амаллаб қайтиб келаётгани ҳам чин. Бунда, аввало, оналарнинг боши эгилади, фарзандининг Ватанга хиёнатини билган волида оқ сутига рози бўлмайди.

Бундай бўлмаслиги мумкин эди-ку?! Нега шундай бўлди?! Бу саволлар жавобини, даставвал, шу болалар улғайган муҳитдан излаш керак. Зеро, миллатни миллат, халқни халқ қиладиган енгилмас куч — маънавият, маънавияти юксак оила фарзандлари ҳеч қачон тўғри йўлдан адашмайди.

Минг йиллик кадрларимиз, яъни она тупроқ муҳаббатига содиқлик, пурмаёно аждодлардан мерос Ватан олдидаги буюк бурчни англаш энг аввал оиладан бошланади. Бу бежиз эмас. Чунки ҳар бир оиланинг келажаси шу оилада қандай фарзанд вояга етаётганига боғлиқ. Оналарнинг дунёқарашлари кенг, маънавий олами бой, фикри соғлом бўлиши болаларимизнинг бахтли улғайишига кафолатдир. 2016 йилнинг улуғвор режалари ижроси учун ўзимизни камарбаста сезишимиз зарур. Зеро, файзиёб Ватанга ярашиқли бўлиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Замира РЎЗИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Қарор ва ижро

Ёшларга туҳфа

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида замонавий маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди.

Марказнинг очилиш маросимида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида маданият муассасаларининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланиб, халқимиз учун муносиб дам олиш шароити яратилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги “2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ барпо этилган ушбу марказда ёшларнинг ижод қилиши, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилган. Концерт зали, миллий созандалик ва хонандалик тўғрақлари зарур жиҳоз ва асбоблар билан таъминланган.

— Янги йил байрами арафасида маданият ва дам олиш марказининг очилиши туманимиз аҳолиси учун катта туҳфа бўлди, — дейди марказ раҳбари Шухрат Абдуллаев. — Бу ерда навқирон авлоднинг бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказиш, номоддий маданий меросимиз хисобланган миллий санъатимиз ва халқ оғзаки ижоди дурдоналарини тарғиб қилиш мақсадида бир қатор тўғрақлар фаолият кўрсатади. Бундан ташқари, аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, инглиз ва корей тиллари бўйича мактабга тайёрлов тўғрақлари ҳамда аёллар ва болалар учун спорт тўғрақлари очилиши режалаштирилган.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎЗА мухбири

Танлов

Эътибор ва эътироф

Пойтахтимизда оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаши борасида амалга оширилаётган ислохотларга бағишланган давра сўҳбати, унинг доирасида “Жамият ва мен”, “Инсон ҳуқуқлари — журналист нигоҳида” республика танловлари гўлибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тadbирда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида оммавий ахборот воситаларини янада тараққий эттириш, улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Соҳа ривожига қаратилган ўндан зиёд ҳуқуқий-меъриий ҳужжатлар ОАВнинг очилгани ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилаётган.

— Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги қарори соҳанинг барқарорлиги ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда, — деди Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев. — Бунинг натижасида юртимизда босма ва электрон нашрлар, нодавлат оммавий ахборот воситалари сони йилдан-йилга ортиб бораётган. Бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бир ярим мингга яқин ОАВнинг 63 фоизи нодавлат секторда. Яна бир муҳим жиҳат: марказий нашрларимизда таҳлилий-танқидий материаллар сони йилдан-йилга кўпайиб борапти. Масалан, 2013 йилда 2160 га яқин танқидий-таҳлилий мақола эълон қилинган бўлса, бундай мақолалар сони ўтган йили салкам икки ярим мингга ташкил этди. Уларнинг мингдан ортиги фақат танқидий мақолалар. Оммавий ахборот воситалари фаолияти сифати ва таъсирчанлиги ошиб бораётгани учун ҳам халқимизнинг “тўртинчи ҳокимият”га ишончи мустаҳкамланмоқда.

Тadbир доирасида “Жамият ва мен”, “Инсон ҳуқуқлари — журналист нигоҳида” танловларининг гўлиб ва совриндорлари тақдирланди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловлар журналистларнинг касб маҳоратини ошириш, иқтидорли қаламкашларни кашф этиш, уларнинг иختисослашувини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу йил ушбу танловларга газета, журнал ва веб-сайтлардан жами 2,5 мингдан зиёд ижодий ишлар тақдим этилди.

— Барча жаҳада, жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёшларга етказиш бизнинг зиммамизга алоҳида масъулият юклайди, — дейди “Инсон ҳуқуқлари — журналист нигоҳида” танловлари гўлиби, “Қашқадарё” газетаси мухбири Бекзод Сафоев. — Чунки бунинг учун мамлакатимиз суд-ҳақуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар аҳамиятини чуқур англаш, юқори билим ва касб маҳоратига эга бўлиш талаб этилади. Бугунги голиблик бизга янада илҳом, қувват бағишлаши билан бирга, катта масъулият ҳам юклайди.

Танлов гўлиб ва совриндорларига махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.
Аҳмад ЮСУПОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири



“ЎЗ ТОНГ ХОНГ КО”

қўшма корхонаси жамоаси

Барча
юртдошларимизни

Янги 2016 йил

билан қизгин
муборакбод этади!

Осмонимиз ҳамиша мусаффо
бўлсин, орзу-ниятларимиз
рўёбга чиқсин. Сизга
соғлиқ-омонлик,
oilаларингизга
тинчлик-хотиржамлик
тилаймиз.



АЙЁМ МУБОРАК БЎЛСИН!

Депутат минбари

Истиқлолнинг илк йилларида-ноқ мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида келажак авлод вақиларини ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уларни юксак маънавият, зукко, билимдон, юрт тақдирини ўз зиммасига олишга қодир авлод сифатида вояга етказиш мақсадида барча шароит ва имкониятлар яратилди.

Келажакимиз эгаларининг маънавий иммунитетини мустаҳкам, юрт ишига камарбаста қилиб тарбиялашда буюк алло-маларимиз сиймоси, улар қол-дирган улкан ва бой маънавий мерос, миллий анъана ва урф-одатларимиз алоҳида ўрин тутди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизда қурилган миллий мустақиллик мафқураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиш, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳалолликни, мардлик ва сабр-бардошликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим".

Улуг аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Маънавиятни юксалтириш, аждодларимизнинг илгор анъана ва илмий меросини асраб-авайлаш, ижтимоий муаммолар моҳиятини англаш ва оқилона ҳал этишда ахлоқий маърифатнинг аҳамияти беқиёс. Зеро, ахлоқий маърифат фуқаролик жамиятини қуриш йўлида инсонларни маънавий бирдамликка қорлайдиган муҳим омил сифатида юзага чиқади.

Инсон доимо ахлоқий тушунчалар моҳиятига етишга ҳаракат қилиб келган. Буюк аждодларимиз, улуг мутафаккирларимизнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари эзгу гоёларнинг

Янги авлод тарбиясида аждодлар мероси

улар илгари сурган гоёлар муҳим ўрин тутди

асоси ҳисобланади. Мамлакатимизда комил инсон шахсини тарбиялаш ишларида улуг мутафаккирларнинг ахлоқий қарашлари, илгари сурган гоёлари муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Алишер Навоийнинг комил инсон гоёси ва ахлоқий қарашлари биз учун қимматли ва муҳим аҳамиятга эга манбадир.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида муҳим ўрин тутган бу улуг инсонни "авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоирларнинг султони" деб таърифлагани ҳам бежиз эмас, албатта. Жаҳон тарихида ўз ўрнига эга Алишер Навоий бутун инсоният тафаккурига катта таъсир кўрсатган ва ахлоқий маърифат ривожига муносиб ўрин эгаллаган. Унинг гоё ва қарашлари умуминсоний аҳамиятга эга.

Маълумки, Алишер Навоий ижодий меросида инсонпарварлик, халқ фаровонлиги, Ватан равнақи гоёлари муҳим ўрин эгаллайди. Унинг адолатли жамият ҳақидаги орзулари, яхшилик, муҳаббат, дўстлик, садоқат, адолат, тинчлик, барқарорлик каби ахлоқий-маърифий қарашлари умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам улар бугунги ёшлар тарбиясида устувор аҳамиятга эга. Мутафаккир фикрича, инсонга унинг насл-насаби эмас, балки одоб-ахлоқи, шарму ҳаёси обрў ва шараф келтиради. Навоий таълимотида ахлоқий қарашлар билан узвий боғлиқ ҳолда ижтимоий-сиёсий масалаларда ўзига хос гуманистик таълимот яратилганини кўриш мумкин. Навоий асарларидаги гоё ва қарашлар бугунги кунда миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашда, ёшлари-

мизни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш ва фуқаролик жамиятини барпо этишда гоё таъсир кўриши.

Навоийнинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий гоёларга бой "Хамса" достони ва "Маҳбуб ул-қулуб" асарида инсон ва унинг бахт-саодати, мукамал жамият ҳақидаги орзу-ўйлари, комил инсон, муҳаббат, одиллик, эзгулик каби қадриятлар ҳақида қимматли фикрларини кўлга олишларимиз тадқиқ этган. Бу ишлар давом этмоқда. Шунингдек, бобокалонимиз ўз ижодида барча даврда аҳамиятли бўлган меҳнатсеварлик, камтарлик, хушмуомалалик, эзгулик, самимийлик, инсоф, андиша, ҳаё, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиш сингари ахлоқий фазилатларни илгари сурган. Навоий одамларни дунёда илм, меҳнат ва яхши хулқ билан, ўзидан яхши ном қолдиришга даъват этади. Унинг инсонпарварлик руҳи билан сугорилган бадиий, ижтимоий, фалсафий, сиёсий ва ахлоқий қарашлари ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Шундай экан, ахлоқ масалалари бўйича ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва ечимини топишда Алишер Навоий ижоди ва маънавий меросини янада мукамал ўрганиш мақсада мувофиқдир.

Маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, миллий тикланиш гоёсини амалга оширишни мақсад қилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Биз киммиз? Аждодларимиз ким эди? Миллатимиз қандай фазилатларга таяниб, юксак марраларга эришди ва оламшумул шухрат қозонди?" деган масалаларга жавоб излашга алоҳида эътибор қаратади. Таъкидлаш ўринлики, ЎзМТДПнинг бу борадаги мақсад-вазифалари, хусу-

сан, сайловолди Платформамизда белгиланган миллий ўзликни англаш, ёшларни миллий тикланиш гоёси, миллий маданият ва қадриятларни эъозлаш руҳида тарбиялаш, уларга мурувват, меҳмондўстлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, бағрикенглик, яхшилик ва саховатпешалик хислатларини сингдиришда аждодларимиз мероси, жумладан, мутафаккир Навоий ижодида бот-бот муружаат қилиш ҳеч қачон ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракциясининг иш режасида партиянинг бу борадаги дастурий мақсадларидан келиб чиқиб қатор тарғибот тадбирларини амалга ошириш белгиланган. Жумладан, партия ташкилотлари билан ҳамкорликда "Ўзликни англаш — тарихдан бошланади" мавзусидаги лойиҳа доирасида республика семинарлари, "Шарқ алло-малари билимдони", давлатимиз раҳбари Исрол Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" ва "Ўзбекистон — мустақилликка эришиш остонасида" асарларининг мазмун-моҳиятини кенг аҳолига етказишга қаратилган тарғибот учрашувлари мунтазам амалга ошириб келинмоқда. Зотан, аждодларимиз маънавий меросини чуқур ўрганиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур меҳр-ҳурмат, эҳтиром уйғотиш миллий тикланиш гоёсини амалга оширишнинг муҳим омилдир.

Шерзод РАҲИМОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси



Огоҳлик

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш оқолиш тақдирининг муҳим омилларидан. Шу боис Янги йил байрамини юксак савияда нишонлаш, тадбирлар ўтказиладиган жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида корхона, ташкилот, таълим муассасалари, аҳоли тураржойларида тарғибот ишлари олиб борилаётганда. Аҳоли пунктлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишлари янада кучайтирилади. Маҳаллалар ва таълим муассасаларида йўл-транспорт, ёнғинга қарши ва бошқа хавфсизлик чоралари кўриляптир.

ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда. Жумладан, ёнғин чиқиш хавфи бўлган турли чироқлар, арчани доқа, пахта, қоғоз ва шунга ўхшаш бошқа тез ёнувчи материаллар билан безаш тақиқланади.

Болаларга тез ёнувчи материаллардан тайёрланган кийимлар кийдирмаслик, ёнғин ёки портлаш хавфи бор ишларни амалга оширмаслик, хонани қоронғилаштириш учун соябонлар ўрнатиш, заллардаги қаторлар ораллигидаги ўтиш жойларини торайтириш, у ерда қўшимча стул ёки креслолар ўрнатиш, томоша вақтида электр чироғини батамом ўчириш каби ҳолатларга йўл

Ёнғин хавфсизлиги доимий эътиборда

Болажонларимиз йил бўйи орзиқиб кутадиган Янги йилни кўтаринки кайфиятда кутиб олишга одатланган. Чиройли безатилган арча атрофидаги ўйин-кулги, театрлаштирилган саҳна кўринишлари, совға-саломлар улашиш, айниқса, ёш авлодга катта қувонч бағишлайди.

Янги йил арафасида ва байрам кунлари мамлакатимизга пиротехника воситалари кириб келиши ва сотилишининг олдини олиш бўйича ҳам зарур чора-тадбирлар кўрилмақда. Жойларда байрам шодиечаларини ўтказишда ёнғин ва техника хавфсизлиги, газ ва электр мосламаларидан фойдаланиш қоидалари ва ёнғинга қарши ҳолат ўрганилмоқда, аниқланган камчиликлар бартараф этилаётган. Пиротехника буюмларидан фойдаланмаслик, огоҳлик ва хушёрликка чорловчи тарғибот-

кўйилмаслиги зарур. Тадбирлар ўтказилаётган вақтда саҳна, томоша зали ва хоналарда жавобгар шахслар навбатчилик уюштириб, барча захира эшикларини бинодан чиқиш томонга осон очилишини таъминлаш лозим.

Аҳоли билан олиб бораётган тарғибот ишларимизда мазкур ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилиб, ёнғинга қарши ва бошқа хавфсизлик масалалари атрофида ўрганилиб, йўл кўйилган хато-камчиликлар бартараф этилаётган. Буларнинг барчаси Янги йил байрамини юқори савияда ва мазмунли ўтказишга хизмат қилади.

Дилшод УМАРОВ,
Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ
катта инспектори, сержант

РЕКЛАМА

Азиз вақандошлар!
Янги йил барчага янги-янги қувончли кунлар, саодатли лаҳзалар ҳаёти. Хонадонингиздан қут-барақа, дастурхонингиздан тўқинлик аримасин!

ЯҚТҲ 2016 йил
билан қизғин ва самимий муборакбод этамиз.

"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" АЖ
Қорақалпоғистон филиали
жамоаси

Англистон шаҳридаги
"SABR KO LTD"
жамоаси
Юртдошларимизни ва
юртимиз меҳмонларини
Янги йил билан қутлайди.
Қалбингиздаги барча эзгу орзу-умидлар
рўёбга чиқсин. Юртимиз обод,
ҳаётимиз фаровон бўлсин!

Қизилтепа маънавий хизмат кўрсатиш
касб-ҳунар коллежи жамоаси
юртдошларимизни янги
2016 йил —
Соғлом она ва бола йили
билан самимий табриклайди.
Кириб келатган йил ҳар бир оила учун
самарали ва сермазмун йилга
айланишини тилаймиз!

“ШИМОЛИЙ-ҒАРБИЙ”
халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль
йўлиларини сақлашга ихтисослаштирилган
қурилиш-фойдаланиш корхонаси жамоаси

Ватанимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш
йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча
юртдошларимизни Янги йил билан табриклайди.



Байрамнингиз қутлуғ бўлсин!



Азиз ватандошлар!

Сизни кириб келаётган янги 2016 йил
билан қизғин ва самимий муборакбод этамиз.
Янги йил ҳар биримизнинг хонадонимизга тўкинлик,
қут-барака олиб келсин. Ватанимиз янада
равнақ топаверсин!

“ASIA ELEGANT STAR”
МЧЖ жамоаси

**Самарқанд вилояти Ирригация тизими ҳавза
бошқармаси қошидаги насос станциялари
энергетика ва алоқа бошқармаси жамоаси**

барча юртдошларимизни
кириб келаётган

Янги 2016 йил билан табриклайди!

**“ХОРАЗМ ХУДУДИЙ
ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ
жамоаси**

Янги 2016 йил билан барча юртдошларимизни
самимий табриклайди.

Янги йил шодиёналари ҳаётимизга фаровонлик,
юртимизга файзу барака олиб келсин!

**БАЙРАМ ШУКУҲИ ҲАМИША
ҲАМРОҲ БЎЛСИН!**



Миллий қадрият

**Миллий либос —
тан-руҳга оройиш**

*Кийимга қараб қутиб оладилар,
деган гап бор. Бугунги глобаллашув
даврида либос, наинки, дид намоён-
лиги ё қўлайлик, балки гўявий кураш-
га ҳам айланмоқда. Ўзбек халқи,
дунёдаги сапоқли миллатлар қатори-
да, ўз кийиниш маданиятига эга.
Бу борада яхши тизимли тартиб-
қоидаларимиз бор.*

Ҳа, миллий либос — ёш авлодни эстетик руҳда тарбиялашнинг муҳим воситаси, аждодларимиздан мерос қадрият. Дейлик, халқимизнинг миллий рамзи сифатида сақланиб келинаётган — чопон (тўн). У қадимдан, асосан, эркакларнинг куз ва қиш фаслида кийдиган миллий либоси бўлган. Бу кийим тоза пахта солиб қавилади. Шу боис, танага хуш ёқиб, кишининг эгнида жуда ихчам ва қўлай туриши билан бошқа кийимлардан фарқ қилади. У устки кийимлар орасида кенг тарқалган ва ҳозиргача етиб келган либослардан биридир. Тикилишига қараб, астарли, авра, пахтали чопон деб аталади. Одатда, чопоннинг белбоғи бўлади. Шу белбоғнинг вужудга фойдасини ҳатто хорижлик тиббиётчилар ҳам эътироф этмоқда. Ёзи чопонлар қавилмаган (авра-астар чопон) ёки умуман астарсиз (авра чопон) ҳам бўлади. Чопон ҳар бир ҳудудда ўзига хос тарзда тикилади. Масалан, Наманганда дала ишларида оқ матодан юпка қавилган калта чопон кийилади, у кишини иссиқдан сақлайди. Сурхондарё ва Зарафшон бўйларида яшаётган аҳолида тиззагача келадиган астарсиз калта чопон кўп учрайди. Шунингдек, бу ҳудудларда ҳамда Бухоро, Қашқадарё воҳаларида узун ва кенг энгли, пахта ёки ярим ипак рангли матодан тикилган чопон, Фарғона ва Тошкентда қора, яшил ёки кўк-яшил чопон кийиш одат

бўлиб келган. Асримиз бошларида сатиндан тикилган чопон кенг тарқалган. Ёшлар орасида байрам либоси сифатида очик рангли катта йўл-йўл бекасам тўн урф ҳисобланган. Чопонни илгари кўпроқ нуруний отахонлар кийишган бўлса, энди бу либос аёллар ва онахонларимиз, катта-кичikka ҳам бирдек манзур бўлмоқда. Ҳозирда келинларимизнинг сепларида ҳам бу либоснинг борлиги қувонарли. Марғилон адрасидан ўзига хос бичимда тикилган чопон ва нимчалар қизларимизнинг хушбичим қоматларига зеб беради, беихтиёр чеварни алқайсиз.

Ёш авлод тарбиясида кийиниш маданияти муҳим ўрин тутаети, дейди Навоий шаҳридаги “Меъмор” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Лола Турובה. — Миллий матоларимиздан тикилаётган либослар жуда хилма-хил бўлиб ўзига хос жозибача эга. Адрас чопонлар қаторида бугун попоп нақшлари туширилган чопонлар ҳам урфда. Уларда инсоннинг ижтимоий мавқеи, у яшаётган макон ҳам беихтиёр намоён бўлади. Пальто, плаш, куртка каби устки кийимлар қаторида кийим жавонимизда чопонлар ҳам борлиги, миллий либосларга қайтаётганимиз қувонарли ҳол. Айниқса, бу миллий либос келинларимиз эгнида янада кўркам кўринади. Қўл меҳнати билан зеб берилган, буюртмачининг ўлчамига мос тикилган чопонларга бўлган талаб кундан-кун ошиб бормоқда. Шу боис маҳалламиз чеварлари қўли-қўлига тегмай меҳнат қилиш-япти. Улар тикиётган чопонларни кўриб, ҳайратланасиз. Кийимга мос равишда тикилаётган дўппи ва поябзал маҳсулотларининг ҳам бозори чаққон.

— Миллий кийимларимиз тикилишининг ўзига хос услуби, нақшлари билан ажралиб туради, — дейди ушбу маҳалла чевари Моҳиначарон Ўктамова. — Шу боис табиий ва сержило адрас ва атлас матолардан турли бичимдаги чопонлар тўпламини яратишга, уларнинг ҳар бирида шарқона назокатни акс эттиришга ҳаракат қилинган.

Халқимизда “Саломатлигинг — ўз қўлингда” деган гап бор. Демак, саломатлик нафақат тартибли ҳаёт тарзига, балки кийинишга ҳам боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ёзининг жазирама иссиқ кунларида уй шароитида оппоқ яқтак кийиб юрганга нима етсин.

Яқтак — эркаклар ёқтириб киядиган қадимий, миллий либослардан. У фақат пахтадан тайёрланади. Мутахассисларнинг фикрича, оқ кийим нафақат иссиқликни ўтказмайди, балки юқумли касалликлардан ҳамда бактериялардан танани ҳимоя қилади. Шу боис қадимда ҳам бу либос харидорғир ҳисобланган. Маълум бир даврда кийилмай унутилаётган яқтакни, айни пайтда, ёш йигитларнинг эгнида кўриш қувонарли ҳол.

Нурота, Қизилтепа, Кармана туманларидаги чеварлар бу либосни ўзгача меҳр билан тайёрламоқда. Айниқса, Нурота чеварлари хошиясига гул солиб тиккан яқтаклар алп йигитлар қоматига ўзгача улғуворлик бағишлайди.

Миллийлигимиз, қадриятларимизни ўзида мужассам этган яқтагу чопонларнинг эскирмас либос бўлиб келаётганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Зеро, миллий либослар бизга ўзлимизни, қадимий аъёнларимизни англайти туриши билан ҳам қадрлидир.

Ўралой ТУРДИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

“ТРАСТБАНК” ХАБ
жамоаси

*ҳамюртларимизни, банк мижозлари ва
акциядорларини кириб
келаётган*

Янги 2016 —

*Соғлом она ва бола йили
билан самимий муборакбод этади.*

Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ
фаровонлиги йўлидаги эзгу
ишларингизда омад ёр бўлсин!

**Янги йил муборак
бўлсин, азиз дўстлар!**

Хизматлар лицензияланган

“ИПОТЕКА БАНК” АТИБ
**Навоий вилоят
филиали жамоаси**

**барча юртдошларимизни,
банкимиз мижозларини**

2016 йил

билан қизғин табриклайди.

**Кириб келаётган Янги йилда
барчага мустақкам соғлик,
яхши кайфият, оилавий
бахт-саодат, янгидан-янги
муваффақиятлар тилаймиз.**

ШОВОТ ТУМАНИДАГИ 289-СОН
хўжаликлараро кўчма механизациялашган
колонна масъулияти чекланган
жамияти жамоаси

Янги 2016 йил билан барчани кутлайди.
**Яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларингизда улкан
муваффақият, хонадонларингизга кут-барака тилаймиз.**

Янги йил барчага муборак бўлсин!

Кўргазма

Миллий кулолчилигимиз намоёйиши

*Истиқлол йилларида миллий
хунармандчилик ривожига ало-
ҳида эътибор қаратишмоқда. Ху-
сусан, хунармандчиликнинг қадимий
турларидан кулолчиликнинг
қадимий ва ноёб тажрибаси за-
монавийлик билан уйғунлашти-
рилиб, бутунлай янгича кўри-
ниш касб этмоқда.*

Ўзбекистон Тасвирий санъат гал-
лериясида юртимиздаги барча та-
ниқли замонавий кулолчилик мар-
казлари иштирокида ўтказилган
кўргазмада бу жиҳатлар яна бир
қарра ўз исботини топди. Ўзбеки-
стон Бадий академияси томони-
дан ташкил этилган кўргазмада
мамлакатимиз кулолчилигининг
икки асосий — қадимий сирланма-
ган ва сирланган йўналиши наму-
налари томошабинлар эътибори-
га ҳавола этилди.

Кўргазманинг очилишида мам-
лакатимизда миллий анъана ва
қадриятларимизни асраб-авай-
лаш, уларни янада бойитиш ва ри-
вожлантириш, тасвирий ва ама-

лий санъатнинг бар-
ча йўналишида фао-
лият кўрсатаётган
ижодкорлар меҳна-
тини эъзозлаш, улар-
га зарур шароит яра-
тиш масаласи дои-
мий эътиборда эка-
ни таъкидланди.

Кулолчилик халқ
амалий санъатининг
кўп асрлик тарихга
эга бўлган тури са-
налади. Унинг диё-
римизнинг ҳар бир
ҳудудига хос бўлган
мактаблари мавжудлиги
ва йил сайин сайқал
топиб бораётган
эътиборга моликдир.

Айтиш жоизки, юртимизда сир-
ланган кулолчилик
бадий безак
услуби бўйича қатор
мактаблар мавжуд.
Фарғона кулолчилик
мактаби (Риштон,
Гурумсарой, Анди-
жон) шакл жиҳатдан
хилма-хил. Уларнинг
безаги ҳам турлича:
бодом гули, анор гул,
чорбарг ва бошқалар-
дир. Хоразм кулолчи-
лик мактаби эса геометрик
безаклар ва бойитилган
ўсимлик мотивлари

билан таниқли. Бухоро,
Самарқанд мактаблари
кулолчилиги анъана-
вий кўрғошинли сирлаш
ва жигар ранг, яшил,
сарик бўёқлар билан
ажралиб туради. Бугунги
кунда мазкур мактаб
анъаналарини гиж-
дувонлик кулоллар давом
эттирмоқда.

Кўргазмада ҳозирги давр ютқ-
лари асосида қадимий
технологияларни сақлаб
қолган ҳолда яра-
тилган кулолчилик намуна-
лари намоёйиш этилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Танлов

Ёш мақомчилар кўриги

*Бугун мамлакатимизда ёш авлод маънавия-
тини, уларнинг мусиқий, бадий-эстетик дидини
юксалтириш, мусиқа таълиминини сифат жиҳат-
дан янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор
қаратишмоқда.*

Ўзбекистон давлат консерваториясида бир ҳафта
давом этган ёш мақом ижрочилари танловининг
якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда мазкур ижодий
лойиҳанинг худудий босқичида голиб бўлган хонанда
ва созандалар, ансамбллар ўз маҳорати ва истеъдо-
дини кенг жамоатчиликка намоёйиш этди.

Ушбу танловни Ўзбекистон Маданият ва спорт
ишлари вазирлиги ташкил этди. Асосий мақсад —
мумтоз мусиқа ва ашулчиликни янада сайқал топ-
тириш ёш иқтидорларни мумтоз санъатимизга бўлган
меҳрини орттириш, келгуси авлодларга етказиш, бу
йўналиш бўйича ижод қилаётган ёшлар фаолиятини
ўрганиш ва уларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Танловнинг барча босқичида 18-31 ёшли иқти-
дорли ёшлар иштирок этди. Республика босқичида
эса улар орасидан саралаб олинган 64 яқка мақом
ижрочиси, созанда ҳамда 2 созандалар ансамбли ўз
истеъдодини намоёйиш этди. Хонандалар халқ ашу-
лалари, созандалар ўзбек бастакорлари асарлари-
дан намуналар ижро этди.

Эркак хонандалар ўртасида мақом ашула ижрочи-
лиги бўйича Сайёд Жўраев, Хушнуд Солижонов, аёл
хонандалар орасида Дилором Абдуазимова, Фазилят
Аҳмедова биринчи ўринни эгаллади. Мақом чолғу
ижрочилиги бўйича яқка созандалар ўртасида чертма
созларда Фарангиз Маҳмудова, зарбли созларда
Азимжон Ҳожимаматов, дамли созлар ижрочилиги
бўйича Тўлқинбек Тожиев, камонли созларда Саид-
мал Нўрмонов, созандалар ансамбли бўйича эса “Ҳам-
роз” ансамбли биринчи ўринга сазовор бўлди.

Голибларга диплом ва совғалар топширилди. Улар
ва устоз санъаткорлар иштирокида гала-концерт
намоёйиш этилди.

Ўз мухбиримиз

"ШИМОЛГАЗТАЪМИНОТ" УК Хоразм вилояти шаҳар ва тумангаз филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ва Урганч шаҳаргаз филиали жамоаси

Янги 2016 йил

билан Ўзбекистон
аҳолисини табриклайди.

Янги йилда хонадонингиздан шоду хуррамлик,
меҳр-оқибат, файзу барака аримасин!

БАЙРАМ МУБОРАК!



"ШИРМОНБУЛОҚ ТОШ КОНИ" ДУК жамоаси

юртдошларимизни Янги йил билан табриклаб,
барчага сўхат-саломатлик, юртимизга тинчлик-омонлик,
хонадонларимизга хотиржамлик ва фаровонлик тилаб қолади.

2016 йил
қутлауғ бўлсин!



Сўхбат

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК — ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида истиқлолнинг илк йилларидан мамлакатимизда ўз интилиши ва салоҳияти билан маҳсулот ишлаб чиқараман, деган инсонни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу йўналишда, аввало, бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунийлик базаси, уш жадал амалга ошириш учун қўлай ишбилармонлик муҳити яратилди.

Бу жараёнда яхши бир тушунча ҳам шаклланди: оилавий тадбиркорлик. Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик наинки ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, балки давлат экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ҳамда турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Бугун юртимизда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиб, юқори натижаларга эришадиган юртдошларимиз кўп.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари Юнусжон НАСИМЖОНОВ билан сўхбатимиз ҳам юртимизда оилавий тадбиркорликка қаратиладиган эътибор, яратилган шароит ва имкониятлар ҳақида бўлди.

— Аввало, оилавий тадбиркорлик тушунчасига изоҳ берсангиз. Тадбиркорликнинг бу тури қай тартибда амалга оширилади?

— 2012 йил 27 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, оилавий тадбиркорлик — оила аъзоларининг даромад олиш мақсадида амалга оширадиган ташаббускорлик фаолияти. У иштирокчиларнинг ихтиёрий асосда, юри-

дик шахс ташкил этган еки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этган оилавий тадбиркорлик — оилавий корхона. Унинг иштирокчилари — оила бошлиғи, турмуш ўртоғи, болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари оилавий корхона иштирокчиси бўлиши мумкин. Оилавий корхона иштирокчиларидан бири унинг бошлиғи бўлиб, унга оилавий корхонанинг барча иштирокчиси бир овоздан иш муомаласида ўз номларидан иштирок этиш ҳуқуқини беради.

— Оилавий тадбиркорлар учун қандай афзаллик ва қулайликлар бор?

— Тадбиркорликнинг бу тури билан шуғулланмоқчи бўлган фуқаролар учун имтиёзлар талай. Хусусан, тадбиркорлар 3 кун ичида барча ҳужжатни расмийлаштириб, фаолиятни йўлга қўйиши мумкин. Оилавий корхона учун қонунчилигимизда қатор солиқ имтиёзлари ҳам яратилган. Жумладан, унда оилавий тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган кишилар тураржойини нотураржойга ўтказиши талаб этилмайди. Қонунга мувофиқ, оилавий корхона оила аъзолари яшаб турган тураржойда фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини шу жойнинг ўзида сотиши мумкин. Қолаверса, коммунал тўловлар учун ҳақ ҳам жисмоний шахслар учун белгиланган миқдорда тўланади. Бу каби энгилликларнинг берилиши аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланишига бўлган қизиқиши янада орттиришига, янги иш ўринлари яратилишига ва аҳоли бандлиги таъминланишига хизмат қилади. Бундан ташқари, оилавий корхоналар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона солиқ тўловчиси ҳисобланади. Уларга кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқ имтиёзлари, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади. Яъни, оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди. Агар оилавий корхона халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариб сотса,

сотувдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан ҳам озод қилинади.

— Юридик шахс ташкил этмаган оилавий корхонада-чи?

— Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 370-моддасига кўра, юридик шахс ташкил этмаган оилавий корхонада фақатгина корхона номидан иш кўрувчи, яқна тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосигина қатъий белгиланган солиқнинг тўловчиси ҳисобланади. У Кодекснинг 311-моддасига асосан ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, оиланинг бошқа аъзолари эса (ўн саккиз ёшга тўлмаганлар бундан мустасно) ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан сугурта бадалларини тўлаши белгиланган.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 600 га яқин оилавий корхона самарали фаолият юритмоқда. Қўллаб оилавий корхоналар кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқ имтиёзлари, преференциялар ва кафолатлардан фойдаланиб келмоқда. Тадбиркорлар солиқ имтиёзлари эвазига ҳосил бўлган қўшимча маблағларни фаолиятни янада кенгайтиришга сарфламоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг изчил тараққиётида тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароит таъминлаб бериладиган муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар, чуқур ислохотлар фуқароларнинг тўқис яшаши, тинч ва фаровон ҳаёт кечиришига, инсон омилига қаратилган. Турмуш ободлиги эса, энг аввало, оиланинг иқтисодий кўрсаткичига, даромадига боғлиқ. Юртимизда оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши, уларга бериладиган имтиёз ва қулайликлар замирида ҳам аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодий юксалтириш ва қўллаб янги иш ўринлари яратиш мақсадлари мужжасам.

"Milliy tiklanish" мухбири
Аҳмад ЮСУПОВ сўхбатлашди

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ПРОФЕССОР ВА ўҚИТУВЧИЛАРИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳолисини яқинлашиб келаётган

Янги 2016 йил

билан қутлайди.

Озод ва обод Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида файзу барака,
тинчлик-хотиржамлик аримасин!

ЯНГИ ЙИЛНИНГИЗ
МУБОРАК!



“MAGNUM MEDICAL SERVIS”
МЧЖ ЖАМОАСИ

Сиз, азиз ва муҳтарам
юртдошларимизни

Соғлом она ва бола йили
билан қутлайди.

Кириб келаётган Янги йил юртимизга
янги ютуқлар, файз ва қут-барака
олиб келсин!

2016

БАРЧАМИЗГА БАЙРАМ МУБОРАК!

Сарҳисоб

Мамлакатимиз
санъат ва
спорт салоҳияти
намойиши

Жорий йилда мамлакатимизда “Бетакорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” деган эзгу ғояни ўзда мужассам этган мингдан ортиқ маданий-маърифий ва байрам тантаналари ўтказилди.

Бу ҳақда куни кеча Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида яқунлашиб бораётган йил сарҳисобига бағишлаб ўтказилган “Маданият ва спорт: ташаббус ва таҳлил” мавзусидаги матбуот анжуманида маълум қилинди.

2015 йил маданият ва спорт соҳаси учун ҳам муваффақиятли келди. Йил давомида вазирлик ташаббуси билан истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш борасида турли фестивал ва танловлар, ёшлар сайиллари ўтказилди. Хусусан, “Созлар навоси”, “Санъат мактаби”, “Ёшлик завқи”, “Ижодимиз сенга, Ватан”, “Ёшлик баҳори”, “Онам айтган аллалар” каби танлов ва фестивалларда 30 мингдан ортиқ ёш йигит-қиз иштирок этди. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижодини кенг оммага ҳавола этишга қаратилган юзга яқин тадбир ўтказилди.

Юртимизда ажодларимизнинг бой маданий меросини ўрганиш, уни навқирон авлод орасида кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қартилмоқда. Бу йўналишдаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилди. “Туркистон” санъат саройи ҳамда вилоятларда Алишер Навоий таваллудининг 574, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг 532 йиллиги муносабати билан “Назм ва наво кечаси”, “Нафосат гулшани” адабий-бадий, мусиқий, театрлаштирилган кечалар ташкил этилди. Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан “Дийдор” театр-студияси Зулфиянинг “Хотирам синиқлари” дostonи асосида “Ёдим синиқлари” спектаклини саҳналаштириб, қўллаб-қувватлашга намойиш этди.

Жорий йилда “Шарқ тароналари” Х халқаро мусиқа фестивали ҳам юқори савияда ташкил этилди. 1997 йилда ўтказилган биринчи фестивалда 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йилги анжуманда 66 давлатдан санъаткорлар иштирок этди. Халқимиз орасидан етишиб чиқаётган ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг имкониятларини тўла рўйбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида 2000 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун “Ниҳол” мукофотида сазовор бўлган ёшлар сони бу йил 167 нафарга етди.

Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида “Нима қилдик, Ватан учун?”, “Биз ёшлар гиёҳвандлик ва терроризмга қаршимиз!” шиори остида ёшлар фестиваллари ўтказилди. Бу тадбирлар ёш авлодда ватанпарварлик ҳиссини янада мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва фидойилик руҳида тарбиялаш, гиёҳвандлик, диний экстремизм ва терроризм каби салбий иллатларга қарши курашишга хизмат қилди.

Вазирлик “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан мамлакатимиздаги 35 маданият ва истироҳат боғида, 37 санаторий, 33 “Саховат” ва “Мурувват” уйларида меҳнат фахрийлари ва нурунийлар учун мусиқий кечалар ўтказди. Бу тадбирлар замирида кексаларга юқори даражада маданий хизмат кўрсатиш, миллий қадриятларимизни ёш авлодга янада чуқурроқ синдириш каби мақсадлар ўз ифодасини топди. Бундан ташқари, кексалар учун спортнинг шахмат, шашка, волейбол, мини-футбол, стол теннис ва бошқа турлари бўйича “Кексалар завқи” мусобақалари ўтказилди. Унда жами 10 мингдан зиёд кекса иштирок этди.

Яқунланаётган йил спортчиларимиз учун ҳам омадли бўлди. Спорт ва жисмоний тарбияни янада ривожлантиришга қаратилган саяёҳаракатлар янги босқичга кўтарилди. 4 сентябрь куни “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни янги таҳрирда қабул қилингани бу борадаги ишлар самарадорлигида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. Жорий йилда олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ўтказилган 297 халқаро турнирда жами 2320 спортчи иштирок этиб, 311 олтин, 274 кумуш, 276 бронза медаллари шодасини қўлга киритди. Бу ўтган йилга нисбатан 12 тага кўп.

Жорий йилда мамлакатимиз бир қатор нуфузли спорт тадбирларига мезбонлик қилди. Жумладан, Тошкент шаҳрида қиличбозлик бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати, бадий гимнастика бўйича катталар ўртасида Жаҳон кубоги, халқаро ҳаваскорлар бокс ассоциациясининг 2-босқич мусобақалари юқори савияда ташкил этилди. Мазкур мусобақада ҳамюртимиз Хуршид Тожибоев олтин медални қўлга киритиб, Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди.

Бундан ташқари, жорий йилда ўзбек миллий кураши 2018 йил Индонезияда бўлиб ўтадиган Осиё ўйинлари дастурига киритилгани расман эълон қилинди.

Таъкидлаш жоиз, 2016 йил Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинларига ҳозиргача 50 йўлланма қўлга киритилди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Аҳмад МЕНГЛИМУРДОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Байрам ярмаркаси

Янги йил дастурхони тўкин бўлади

Бугун мамлакатимиз бўйлаб Янги йил шукӯҳи кезиб юрибди. Оила даврасида, тўкин дастурхон атрафида Янги йилни қутиб олишнинг файзи бўлакча. Шу боис байрам арафасида ҳаммамиз Янги йил дастурхони учун бозорга, дўконларга шошамиз. Бу пайтда “арзон ва сифатли маҳсулотни қардан харид қилиш керак?” деган савол кўпчиликни ўйлантириши табиий. Бунинг жавоби шундай бўлади: “Янги йил дастурхонларида ташкил этилган байрамолди савдо ярмаркаларидан тошиш мумкин.

“Кўйлик деҳқон бозори”да ташкил этилган савдо ярмаркасининг 58 растасида сархил мевалар, сабзавот, полиз, гўшт ва сўт маҳсулотлари қулай ва арзон нархларда сотилмоқда. Озиқ-овқат саноатлари корхонаси уюшмаси тақдим этаётган маҳсулотлар хариддорларга манзур бўлмоқда.

— Маҳсулотларни хариддорларга арзон нархларда етказиб беришда вилоятлардаги деҳқон-тадбиркорлар билан яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда, — дейди “Кўйлик деҳқон бозори” директори ўринбосари Эркин Носиржонов. — Масалан, гўшт маҳсулотлари Қашқадарё



ва Наманган вилоятидан ҳар куни олиб келинмоқда. Тухум ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Тошкент вилоятидан пешма-пеш етказилмоқда. Уларнинг сифати эса доимий назорат қилинаётди. Мақсадимиз аҳолининг янги йил дастурхони тўкин бўлишига ҳисса қўйиш.

— Байрам дастурхонига мева харид қилгани келдим, — дейди пойтахтлик уй бекаси Шарофат Элмуродова. — Ташкил этилган ярмаркадан Янги йил дастурхони учун керак бўлган олма, анор, узум ва бошқа меваларни арзон нархда сотиб олдим. Маҳсулотларнинг сифати юқори. Сотувчиларнинг

хушмуомалалигини айтмайсизми?! Бир неча йилдан буён байрам дастурхонимиз учун озиқ-овқатларни шу каби ярмаркалардан харид қилишни одат қилганмиз. Бунинг учун барча ташкилотчиларга раҳмат айтмоқчиман.

Дарҳақиқат, шу кунларда бозорларимиз ҳар қачонгидан ҳам тўкин-сочин, сероб. Бундай файзу баракани кўрган кишининг дили яйрайди. Халқимиз турмуш сифатини янада ошириш ва байрам шодияларини кўтаринки руҳда нишонлаш йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик пойтахтликлар учун ҳақиқий Янги йил тухфасидир.

Аҳмад ЮСУПОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Хунарманд

Миллий кўғирчоқлар — муҳим тарбия воситаси

хунарманд уста Мансурбек Курёзов билан суҳбат

Юртимизда бебаҳо қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий хунармандчилигимиз ҳар томонлама юксалиб бормоқда. Буни бугун хунармандларимиз учун яратилаётган шароитларда, улар тайёрлаётган маҳсулотларда кўришимиз мумкин. Хунармандлар ўз ишига шунчаки касб деб эмас, аниқ соҳа сифатида ёндашмоқда. Ўз хунарлари устида изланишлар олиб бориб, янгиликлар киритаётир. Бунинг сабаби хунар аҳлининг эмин-эркин ишлаши, ўз иқтисоди ва салоҳиятини юзага чиқариши учун имкониятлар кенглишида. Айниқса, Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги “Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириши янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони соҳа турларини қайта тиклаш ҳамда унинг дунё миқёсида танитишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланган хунармандлар ўз ишининг устасига айланипти. Буни миллий ўйинчоқлар устаси, республика “Хунарманд” уюшмаси ҳамда Бадиий академия аъзоси, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи қошидаги “Жайхун” кўғирчоқ театри бадиий раҳбари Мансурбек Курёзов фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Кўғирчоқ устаси миллий кўғирчоқсозлик мактаби ва аъёнаниларини тиклаш, сақлаб қолиш, ривожлантириш ва тарғиб қилишга катта ҳисса қўшиб келаётир.

— Миллий ўйинчоқлар миллат руҳияти, маънавияти, санъати ва маданиятининг кўзгусидир. — дейди Мансурбек Курёзов. — Ижодкор хоҳ хайкалтарош, хоҳ заргару рассом бўлсин, сабр-қаноатли ва эстетик дид соҳиби бўлиши лозим. Бинобарин, иқтидорни ривожлантириб, ҳақиқий санъат асарини яратиш учун катта иштиёқ, меҳнат ҳамда бой тажриба керак. Бу — санъатнинг

дан манба қидириб, “Марказий Осиё амалий санъати” китобидан қисқачина маълумот олганман. Биринчи ишим қоғоз ва елим бирикмасидан тайёрланган ва лойдан ясалган ўйинчоқлар бўлган. Кейинчалик амалий санъат билан шуғулланувчи Соли Қодировга шогирд тушиб, соҳанинг сир-асрорини ўргандим.

— Ҳар бир хунарманд отабоболаримиздан мерос, кейинчалик унутилиб кетган хунар турларини қайта тиклашни истайди. Бу йўналишда соҳада бирон бир янгилик кирита олдингизми?

— Халқимизнинг бой тарихи, адабиёти ва фольклор қўшиқлари асосида Эгри ва Тўғри деб аталувчи кўғирчоқларни қайта тикладим. Улар асосида эса “Жайхун” кўғирчоқ театри ташкил этилди. Хоразмнинг турли ҳудудларида томошалар қўя бошладик. Бир мисол. Мустақиллигимизнинг илк йилларидаги байрам тантаналарида кўғирчоқ театримиз жамоасини таклиф этишганини бугун ҳам эслаймиз. Ана шунда ижодий гуруҳимиз билан кўғирчоқларга тугиб юрган Ашша дароз кўғирчоғи ва унинг қўшиғини қайта тиклаб, Хоразмдаги байрам тантанасига олиб чиқдик. Бошланишида “Бу нимаси экан?” деб хайрон турган томошабин Ашша дароз-


ортиб бормоқда. Юртимизда туризм тобора ривож топиб бориши натижасида сайёҳлар ўлка-мамлакатимиздаги тарихий, маданий ёдгорликлар зиёрати билан бир қаторда миллий хунармандчилик маҳсулотларимизга ҳам катта қизиқиш билдирмоқда. Саёҳатга келган ота-оналар совға учун кўпинча кўғирчоқлар олади. Ана шундай сайёҳлардан бири ўндан зиёд кўғирчоқ харид қилганига гувоҳ бўлганман. “Буларни нима қиласиз?” деб сўраганимда, “Кўп давлатларда бўлганман. Борган жойларимдан икки неварам учун энг яхши совғалар оламан. Мана бу истараси оисик кўғирчоқлар энг аjoyиб совға бўлади” дея уларнинг либосларига ҳам таҳсин айтди. Шунда хунармандлигимдан кўнглим фахр-гурурга тўлди.

Юртимизда биз хунармандларга берилаётган эътибор туйғулари бугун хунаримиз орқали хорижий давлатлардаги кўриктанлов ва фестивалларга қатнашиб келмоқдамиз. Чет давлатларида ҳам миллий кўғирчоқларимизга қизиқиш баланд. Айниқса, уларнинг табиий маҳсулотлардан тайёрлангани кўпчиликка маъқул тушмоқда. Уларнинг қорин, юз қисмини тайёрлашда пахта билан бирга райхон, жамбил каби зирворларни ҳам қўшамиз. Ўсимликларнинг хушбўй хиди асабни тинчлантиради, боланинг соғлиғига ҳам ижобий таъсир этади.

Миллий ўйинчоқ ва кўғирчоқсозлик ишини энди бошлаганимда, атрофдагиларнинг кўпчилиги менга кулимсираб қараб, “фойдасиз иш” деганди. Бугун эса юртимизда Президентимиз раҳнамолигида миллий хунармандчиликнинг кенг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилаётгани, “Хунарманд” уюшмаси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг кўмаги ва рағбати билан имкониятларимиз ҳам жуда кенгайди. Ўтказилаётган кўргазмаларда янги ижодий ишларимиз билан қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдамиз.

— Миллий кўғирчоқларимиз фарзандларимизга ҳаётдан янада кенгроқ ўрин олиши учун яна нималарга эътибор қаратиш лозим?

— Бугун юртимизда миллий аъёна ва қадриятларимизни кўз



ниб, унинг онгида бир умр сақлалиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болалиқда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсганига қарб белгиланади.

Кўғирчоқлар нафақат бола учун овуноқ, балки тарбия воситаси ҳамдир. У орқали болаларимиз миллий аъёнаниларни, миллатимизга хос бўлган қадриятларни ҳис этади. Керак бўлса, ўрганади ҳам. Кўғирчоқларни яратиш чоғида, аввало, унинг миллийлигига, нафис кўринишига, либосларининг ва унда ишлатиладиган бўёқларнинг сифатига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Фарзандларимиз тажовузкор, гарбона ўйинчоқлар билан эмас, аксинча, ибодат-ҳаё, миллийлик нафаси юзиде акс этиб турган, инсоний туйғулари ифодаланган шарқона кўғирчоқлар билан дўст бўлишни истардим. Шунинг учун, ясаётган кўғирчоқларим орқали меҳнатқаш одамларимизнинг олижаноб қиёфасини ифода этишга ҳаракат қиламан. Бироқ бу етарли эмас. Гуруҳимиз билан болалар боғчаларига томошалар ибодат борганимизда, баъзиларида деворий расмлардан тортиб ўйинчоқларгача бошқа ҳалқларнинг қаҳрамонларини кўра-

миз. Боғча мудираси ёки тарбиячидан: “Нимага бу ерда миллий қаҳрамонларимиз тимсоли йўқ?” дея сўраганимизда улар кўпинча “тополмадик” деб жавоб беради. Аслида, бу бир баҳона холос. Зеро, фарзандларимизни миллий қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялаш ва уларнинг ўзлигини англашда бундай кўғирчоқларнинг аҳамияти катта эканини унутмасак бўлгани. Шунда унинг маънавий дунёси, умуман, келажак ҳақида ўйлаган бўламиз.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг мақсад ва қарорларида ҳам миллий кўғирчоқ ва ўйинчоқларнинг ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳам маъна, ҳам жисмонан соғлом, дунёқараши кенг, интеллектуал ҳамда юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишида ўрни муҳим эканлиги алоҳида таъкидланган. Айниқса, партия томонидан “Миллий ўйинчоқлар” фестивалининг ўтказилиши ёшларни миллий қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялаш, уларда соғлом тафаккурни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

“Milliy tiklanish” мухбири Дилфуза РЎЗИЕВА суҳбатлашди

Муқаддас қадамжолар

Мамлакатимизда Президентимиз Исмоил Каримов раҳнамолигида миллий урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш, буюк аломаларимиз ва азиз авлиқаларимизнинг бой меросини теран ўрганиш, қадамжоларини обод қилиш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш йўлида беқиёс ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиздаги табаррук масканларда олиб борилаётган катта ҳажмдаги қуриш ва ободонлаштириш ишлари натижасида бундай обидалар диёримизнинг гўзал, файзли масканларига айланмоқда.

— Юртимизнинг бой тарихи, буюк аждодларимиз қолдирган бебаҳо маънавий мерос билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди, — дейди Жиззах давлат педагогика институти доценти, тарих фанлари номзоди Мухтор Пардаев. — Жиззах воҳасининг ҳам мана шу буюк тарих шодасида авлодларимизга муносиб маданий манзиллари, бебаҳо тарихий масканлари билан муносиб ўрни бор. Вилоятда бугунги кунда давлат рўйхатида киритилган 370 дан зиёд маданий мерос объекти бўлиб, улар орасида Хўжамушкент ота зиёратгоҳи ҳам қайд этилган. Унинг тарихий, халқимизнинг маънавий ҳаётида тутган


Хўжамушкентнинг шифобахш булоқлари

... Ҳеч эътибор берганмисиз, бирор мўътабар қадамжо ёки муқаддас зиёратгоҳга борсангиз, кўнглида беихтиёр бу масканга яна такрор ва такрор келиш истаги пайдо бўлаверадими. Бунинг боиси нимада? Балки бунга нури манзилларнинг сирли мўъжизасию оҳанрабоиси сабабдир? Жиззах вилоятининг Янгиобод туманида ҳам ана шундай табаррук маскан бор — Хўжамушкент. Зиёратгоҳ туманининг шу ном билан аталувчи қишлоғида жойлашган.

Тарихий манбаларда келтирилишича, ҳозирда Ховос ва Янгиобод туманлари жойлашган ҳудудларда эраимизнинг бошларидаёқ маданият, деҳқончилик ва чорвачилик кенг тараққий этган. Бу ердан топилган I-II асрларга оид сопол синиқлари ҳам унинг кўҳна тарихига эга эканидан далеллар. Халқ орасида Хўжамушкент атамасининг келиб чиқиши билан боғлиқ кўплаб афсона ва ривоятлар бор. Айтишларича, буюк бобкалонимиз Алишер Навоийнинг “На-

ўрни ва аҳамияти тарихчиларни мудом янги тадқиқотларга ундайди.

Айтиш керакки, маънавий меросимизни, мавжуд маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келатган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ аъёнаниларига чуқур ҳурмат, эҳтиром туйғулари уйғотиш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди Платформасида асосий дастурий вазифалар сифатида белгиланган. Уларни амалга ошириш бора-бора худудий партия ташкилотлари ҳам қатор лойиҳалар устида иш олиб бормоқда. Мазкур зиёратгоҳда ЎзМТДП Янгиобод туман кенгаши “Ёшлар қаноти” фаоллари иштирокида “Юртим тарихини ўрганаман” шиори остида ўтказилган тадбирлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Жорий йилда зиёратгоҳда “Тарихдан садо бергувчи обод гўша-



соийм ул-муҳаббат” асарида етти юз авлиқанинг бири сифатида таърифланган, машҳур саркарда, авлиё Хўжам ибн Исоқ мана шу ерда абадий кўнмин топан.

Ўн тўрт гектар худудга эга зиёратгоҳнинг ўзига хослиги — шифобахш ва муродбахш булоқларида. Булоқларнинг шифобахшлиги ҳам турлича. Хўжамушкентойда тадқиқот олиб борган ЎзФА Археология институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Алексей Грицина бу ерда йилнинг ҳар бир кунига со 365 булоқ бор, деб ёзади. Хайратланарлиси, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга, турфа дардга даво. Масалан, “Ниятбулоқ” да ният қилинса, ниятлар амалга ошади, “Муродбулоқ” эса кишининг асаб фаолиятини мустаҳкамлаб, муроди ҳосил бўлиши учун куч-қувват беради. “Қўтирбулоқ” танадаги турли яра ва тошмаларга даво экани кўп исботланган. Тарихий қадамжонинг бундай мўъжизакор хусусиятлари йилнинг барча фаслида зиёратчиларни ўзига жалб этиб келади.

Тошлар бағридан отилиб чиқаётган булоқ сувларидан ичаркансиз, вужуд-вужудингизга сокинлик ва фароғат ингандай бўлади. Ўтаётган умрингиз мазмунли, саломатлигингиз, руҳий тетиклик ҳақида ўйлаш учун хўп маъқул маскан.

Тик тушган қирликда кўкрак кериб турган зинапоялар кекса тол дарахтлари оралаб, сизни зиёратгоҳ томон етаклайди. Дастлаб, ташқи кўринишига мумтоз меъморчилик услуби билан зеб берилган бинога кўзингиз тушади. Ичкарида кичик хонанинг шимол томонида жойлашган қадимий рамзий сағана бор. У руҳиятингизга аждодларимизга хос улғуворлик, илоҳий кудратни бахш этгандек бўлади.

Хўжамушкент булоқлари бирлашиб катта ариқни ҳосил қилади. Ариқ мўъжаз сув омборига қуйилгач, туманининг Сабот, Соҳибкор, Тўқбой каби қишлоқларига оби-ҳаёт улашади.

лар” акцияси ўтказилиб, у туман ёшларини ободлик, бунёдкорлик, улуг аждодларга эҳтиром кўрсатиш, тарихини янада чуқурроқ ўрганиш истагида бирлаштирди. “Ёшлар қаноти” аъзолари зиёратгоҳ тарихи, унинг миллий маънавиятимиз юксалишида тутган ўрнини чуқур ўрганиб, худудда тозалаш-ободонлаштириш ишларини олиб борди.

— Зиёратгоҳдаги ўзгача руҳ ва салобат инсонни чексиз мозийга етаклайди, — дейди ЎзМТДП Янгиобод туман кенгаши етакчи мутахассиси Дилмурод Ражабов. — Минг йиллардан бери сақланиб келаётган тарихий масканлар, зиёратгоҳ ва обидаларнинг қудратли кучи бор. Бу эса ўз тарихимизни, улуг аждодларимиз ҳаётини ва ибратли жихатларини чуқур ўрганишга даъват этади. Энг муҳими, бир-биримизга меҳр-оқибатли, инсоф-диёнатли бўлишга, эзгу ва хайрли ишларга чорлайди.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги йилларда аждодларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, улар қолдирган бой тарихий, илмий меросни чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, асрлар силсиласидан сўзловчи маданий мерос объектиларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш доимий эътиборда. Хусусан, мазкур зиёратгоҳда ҳам 2011-2013 йилларда кенг кўламли таъмирлаш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Қаровсиз қолган булоқлар қайта кўз очди, дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Масжид биноси таъмирланиб, ҳонақош тикланди, йўлақлар бунёд этилди. Натижада, зиёратгоҳ воҳадаги ўнлаб тарихий манзиллар қаторида янгича қиёфа касб этди. Бундай хайрли ва эзгу ишлар эса, ўз навбатида, ҳар бир инсонни миллатнинг ҳақиқий тарбиячиси бўлган тарихий чуқур ўрганишга, миллий ўзлигини англашга чорлаши билан ҳам аҳамиятлидир.

Дилноза ҲАЙИТОВА, “Milliy tiklanish” мухбири



муҳим талаби. Бунинг учун хунарманд фақат уста бўлиш билан чекланмай, халқнинг тарихи, адабиётини, урф-одатларини чуқур ўрганиши лозим. Шундагина хунарманд пухта санъат асарини яратиш, ўз соҳасида янгилик қила олади. Ўйинчоқлар ясада аввало, бола кўнглини билиш, ҳаётни улардек кўра олиши керак.

Бу соҳа билан шуғулланаётганимга ўттиз йилча бўлиб қолди. Бунга рассомлик ва режиссёрлик касбини эгаллаганим, кейин фарзандларим ҳам туртки бўлган. Уларга ўйинчоқ изларканман, миллий кўғирчоқлар тополмаганман. Ўша пайт кўғирчоқ ясаш технологияси ҳақида ҳеч қандай манба йўқ эди. Фақат лойдан ясалган хўштагу турли хайвонлар бўлган, холос. Бевоқифа кўғирчоқсозлик эса деярли унутилиб кетганди. Фақат турли маросим кўғирчоқлари бор эди. Дейлик, Сурхондарё, Қашқадарё ё Жиззахда кўғирчоқ ясаб, суштотин маросимини ўтказишарди. Хоразмда эса Ашша дароз бўлиб, ўндан баҳор пайти Наврўз келишидан олдин турли маросимларда фойдаланиларди. Дастлаб кўғирчоқлар ясашга киришганимда улар ишимга асос бўлган. Бироқ назарий жиҳатдан, кўғирчоқ ясашнинг техникасини билмасдим. Кутубхоналар-



даги миллий қадриятларимизга хос воқеалар тимсолида миллий маданиятимизни ёдига олди, тўлқинланди. Томошабинлар олқишларига байрамдан кейин ҳам кўп гувоҳ бўлдик. Амин бўлдикки, мустабид тузумнинг маълум бир йиллари ичида жуда кўп қадрият, аъёна ва урф-одатларимиз халқимизнинг ёдидан кўтарилгани билан унинг хотирасидан буткул ўчмаган, бильякс қадриятларимизга яқинлик қайта уйғонди.

— Билямизки, ҳар бир халқнинг ўз қадриятларидан келиб чиққан кўғирчоқлари бор. Бугун миллий кўғирчоқларимизга дунё аҳлининг эътибори қай даражада? Улар нимаси билан бошқа халқларнинг ўйинчоғу кўғирчоқларидан фарқ қилади?

— Бугунги кунда миллий хунармандчилигимизнинг кўплаб турлари қаторида миллий кўғирчоқларимизга бўлган қизиқиш ҳам



қорачиғидек асраб-авайлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш, навқирон авлоднинг бадиий диди ва тафаккурини тўғри шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, ўйинчоқлар образи боланинг мурак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрла-

Реклама ўрнида

Имкониятимиз кенгаймоқда

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган туб ислохотлар иқтисодийликнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Натижада, соҳа вакиллари учун кенг имконият ҳамда имтиёзлар яратилиб, улар тайёрлаётган рақобатбардор маҳсулотлар ички ва ташқи бозордан муштахам жой эгаллапти.

Мамлакатимизда тадбиркорлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркорлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Биз ҳам шулар қаторида 2012 йилда "Castle rock trade" МЧЖни ташкил этдик. Дастлаб 10-12 ишчи билан иш бошлаган бўлсак, айни кунда корхонамизда 35 киши меҳнат қилмоқда.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривож учун кенг имкониятлар яратилган. Бунинг самараси қишлоғу маҳаллаларимиз ободлиги, иқтисодийликнинг юқори ўсиш суръатлари, бозорларимиз тўқилгани, дастурхонимиз файзу баракасида яққол намоеён бўлади. Қолаверса, аҳоли эҳтиёжидан ортган



маҳсулотларимизни чет элга сотиш орқали мамлакатимиз экспорт салоҳияти йил сайин юксалиб борапти. Бунда, оз бўлса-да, ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз. Корхонамизда озик-овқат санъатида зарур бўлган турли алюмин ва пластмасса қоқоқлар, иссиқхоналарни ёпишда ишлатиладиган 2,25x4,5 ҳажмда икки қаватли, шунингдек, маҳсулотларни қадоқлашда ишлатиладиган плёнкалар ҳам ишлаб чиқарилади. Тайёрланаётган маҳсулотларимиз бежиримлиги ва сифати билан бозорда ўз ўрнини топти. Хомашё асосан "Шўртангазим" мажмуасидан келтирилади.

Эришган муваффақиятларимиз "Orient Finans Bank"нинг молиявий кўмаги билан чамбарчас боғлиқ. Чунки фаолиятимизни ривожлантириш учун етарли тажрибага эга бўлсак-да, бизнес лойиҳаларимизни сармоясиз амалга ошириб бўлмасди. Шу боис замонавий ускуналар харид қилиш мақсадида молия муассасасига мурожаат этдик. Банк ходимларига лойиҳамиз маълум тушди. Тез орада маблағ ажратилди. Пировардида модернизациялаш тадбирларини муваффақиятли яқунлаб, ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баробар кўпайтирдик. Ҳозир юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаб, республикамиздаги истеъмолчиларга етказиб бераёмиз. Бинобарин, банк кредитлари ҳисобига 20 га яқин янги иш ўрни яратиб, асосан,



Сардор Муллажонов олган суратлар

касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлади.

Бугун юртимизда қонун ҳужжатларига киритилган янгиликлар туфайли хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолиятининг янада эркин ривожланиши, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми яратилди. Тадбиркорнинг ишига халақит бериб, баъзан фаолиятининг бутунлай тўхтаб қолишига олиб келадиган ҳолатлардан бири — бу турли ўринли-ўринсиз текширишлардир. Тасаввур қилинг, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган, ўнлаб одамлар ишлаётган корхонага электр таъминоти ёки бошқа бир ташкилот вакили келиб, арзимаган сабаблар билан корхона фаолиятини тўхтатиб қўяди. Бунинг оқибатида етказилган зарарни тадбиркорга ҳеч ким қоплаб бермайди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилгани кўпчилик тадбиркор қатори мени ҳам хурсанд қилди. Бундан 10-15 йил аввал корхонамиз давлат рўйхатидан ўтказиш учун оилаб вақт сарфланарди. Бугунга келиб тегишли тартибда рўйхатдан ўтиш, солиқ ва статистика ҳисоботларини топшириш электрон шаклда амалга ошириладиган бўлди. Мазкур фармонда туман ҳокимликлари ҳузуридаги "бир дарча" фаолиятини такомиллаштириш юзасидан белгилаб берилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари турли руҳсат бериш характеридаги ҳужжатлар, лицензияларни олиш билан боғлиқ ташвишлардан халос этади.



Яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформаси билан танишиб чиқдим. Унда партиянинг иқтисодий соҳадаги асосий мақсади — кучли миллий иқтисодийни шакллантириш эканлиги алоҳида қайд этилган экан. Шунингдек, партия мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга самарали кўмақдош бўлиб, Ўзбекистонда миллий манфаатлардан келиб чиқиб олиб борилаётган фаол ташқи иқтисодий стратегияни қўллаб-қувватлаётгани менга маълум келди. Барқарор миллий ривожланишни таъминлаш йўлида фаолият олиб боришни ўзининг энг муҳим вазифаси, деб билган ЎзМТДП аъзоси бўлдим. Келгусида партия билан ҳамкорликда бозорларимизни сифати паст, халқро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлардан муҳофаза этиш ва қулай сармоя муҳитини шакллантиришга ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман.


Тадбиркорларга яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлар туфайли юртимиз яшнамоқда, мамлакатимиз куч-қудрати ортиб, халқимиз тинч-осуда, фаровон ҳаёт кечирмоқда. Бундай имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда, келгусида ишлаб чиқариш суръатларини янада ошириш, фаолиятимизни кенгайтириш ниятидаман.

Нодир АШРАПОВ,
"Castle rock trade" МЧЖ раҳбари

Соғлом тишлар — чиройли табассум

Тишларнинг соғломлиги инсон саломатлиги учун катта аҳамиятга эга. Тиш фақат овқат майдалаб, чайнашга хизмат қилмайди. У — инсоннинг кўрки, гўзаллиги ҳам. Соғлом ва кўркатиш инсон хуснига хусн қўшади.

Халқимиз орасида таомни узоқ чайнаб есанг, узоқ яшайсан, деган гап бор. Чиндан ҳам овқат яхши чайналса, у тез ва осон ҳазм бўлади. Бунинг учун тишларимиз



соғлом ва муштахам бўлиши лозим. Навбатдаги маънавиятимиз сизга фойда беради, деган ниятдаман.

Тиш органида уй шароитида турли дори воситаларидан фойдаланамиз. Улар тиш учун безарар бўлиб, вақтинча оғриқ қолдириши мумкин. Шу каби ҳолатларда зудлик билан тиш шифокори ҳузурига бориб, ўз вақтида даволаш муолажасини олиш лозим. Таркибига табиий гиёҳлар қўшилган тиш пасталари тишларни оз бўлса-да касалликлардан ҳимоя қилади, милкларнинг соғлом бўлишини таъминлайди. Милклар касалланмаслиги учун тишлар орасига тошлар йиғилиб қолмаслигига аҳамият бериш лозим. Тишни ўз вақтида даволаш эса оғир оқибатларнинг олдини олади.

Оғиз бўшлигини ҳафтада 1-2 марта маврак (шалфей), мойчак (ромашка) дамламаси билан чайиб турилса, турли милк касалликлари бартараф этилади. Шу жумладан кальцийга бой маҳсулотлардан ҳар куни истеъмол қилиш тишларни бақувват ва узоқ йиллар давомида соғлом хизмат қилишни таъминлайди. Милкларни муштахاملаш учун уларни ички ва ташқи томондан бармоқлар (бош ва кўрсаткич бармоқлар) билан ушлаб, бир дақиқа давомида массаж қилиб туриш мумкин. Тишларни тозалаётганда, милклар ҳадеб қонайверса, тиш шифокорига мурожаат қилиш керак. Сабаби, милкларнинг қонаши милк касалликларидан дарак. Буни эса ўз вақтида даволаш зарур.

Болалар ҳам тиш ва оғиз бўшлиғи парваришига муҳтож. Сут тишлари ҳам парвариш қилинади. Бола 2 ёшга тўлгач, овқатдан сўнг оғзини чайқашга, 3 ёшда уни кичикроқ ва юмшоқ тиш чўткадан фойдаланишга ўргатиш керак. Дастлаб бола тиш пастаси ишлатмай куруқ чўткадан фойдаланиши лозим. Сўнгра тиш пастасини чўткасига суртиб бериш керак. Болалар учун мўлжалланган махсус тиш чўткалари ва тиш пасталари дорихоналарда сотилади. Улар айнан боланинг тиши учун махсус тайёрланган бўлиб, безарардир.

БИЛАСИЗМИ?

- АҚШнинг "Skylab" станцияси аъзолари Жеральд Карр, Эдуард Гибсон ва Уильям Поуг — Янги йилни орбитада кутиб олган ilk космонавтлар.
- Дунёдаги энг танikli спорт кийимлари ишлаб чиқарувчи "Adidas" брендининг номи унинг асосчиси — Adi Dassler исмидан олинган.

ТУРФА ОЛАМ

"Йўлбошловчи" — робот

Швециянинг Эребру университети тадқиқотчилари йўловчиларнинг аэропортда адашиб қолмаслиги учун уларга тўғри йўналишни кўрсатиб юборувчи "Spencer" роботини ихтиро қилди.

Мазкур лойиҳанинг юзага келишига Нидерландиянинг Амстердам шаҳрида жойлашган Схипхол аэропортида тажрибасиз йўловчиларнинг адашиб қолиб, ўз рейсларига улгура олмай қолиши сабаб бўлган. Робот одамларни чўчитиб юрмайдиган, мулоим қиёфада ишланган. У аэропорт ичкарасида адашиб қолган йўловчиларга тўғри йўналишни кўрсатиб, самолётга ўз вақтида чиқиб олишига кўмаклашади. Қолаверса, робот ўз рейсига



улгурмай, кейингисини кутадиган йўловчиларга беминнат гапхўрлик қилиш, улар билан суҳбатлашиш имкониятига ҳам эга. Боиси робот бир неча тилда гаплаша олади.

"Spencer"га йирик сенсорли экран ўрнатилган, йўловчилар учун керакли маълумотлар киритилган. Унга шунчаки аэропортнинг қаерига боришингиз ҳақидаги маълумотни киритсангиз кифоя, робот сизни ўша манзилга кузатиб қўяди. Ҳозирда лойиҳа муаллифлари роботнинг ҳаракатланиш тизимини янада мукамал ҳолатга келтириш, хусусан, уни одамлар орасидан урилмай осон ўтиб кетишини таъминлаш, изидан эргашадиган йўловчини назоратдан четда қолдирмаслик устида иш олиб бормоқда.

Ш.ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Qishloq Qurilish Bank

"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки жамоаси барча юртдошларимизни кириб келаётган 2016 йил билан самимий муборакбод этади. Сизга ва яқинларингизга муштахам соғлиқ, бахт-саодат, тинчлик ва хотиржамлик ҳамроҳ бўлишини тилаб, қўйидаги омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютада:

- "Адолат" — омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади.
- "Мураббий" — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
- "Қадрли" — омонатга маблағлар 5 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб бериледи.

Хорижий валютада:

- "Percent" — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
- "Profit" — омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

ОМОНАТГА МАБЛАҒЛАР АҚШ ДОЛЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ, ФОИЗЛАР ҲАР ОЙДА ЁКИ ОМОНАТ МУДДАТИ ТУГАГАНДАН СЎНГ БЕРИЛАДИ.

Қўйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилайётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

- "Хонадон" — маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.
- "Мадад" — маблағлар 1 йилдан ортқ муддатга қабул қилинади.
- "Қурилишга бошланғич бадал" — муддати 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатингиз:

- ✓ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- ✓ эғалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- ✓ миқдори чекланмаган!

Қўшимча маълумот учун телефонлар:
(+998 71) 150-72-58, 150-39-93

www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган

